

Муташобиҳ насслар; Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги муташобиҳ оятлар (Салафийлик 9)

05:00 / 13.03.2017 6637

Биз юқорида муташобиҳ насслар ҳақидаги собит ижмоъни баён қилиб ўтдик. Бу ижмоъга биноан, муташобиҳ нассларни тушунишда, уларни Аллоҳ таолони бирор махлуққа ўхшатувчи ёки тенглаштирувчи маъноларга бурмаслик ҳамда ўша нассларнинг собит луғавий далолатларини ҳам йўққа чиқазмаслик лозимдир.

Муташобиҳ насслар ҳақидаги сўнгги сўз сифатида: “муташобиҳ лафзларни, модомики улар Аллоҳ таолога ўхшашлик ва шериклик маъноларига далолат қилмас экан, зоҳирий маъноларда тушунмоқ керак” деб айтиш мумкин. Бу қоида, Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги нассларни тафсир қилишда, Унга махлуқлардаги каби аъзо ва жисмият маъноларини бермасликни ҳам ўз ичига олади. Ва бу қоидага биноан, У, ўзи айтганидек, ўзининг жалоли ва аҳадиятига муносиб тарзда аршига “ءاوتسا” (истиво, ўрнашди) қилди, дейилади. Унинг, ўзи айтганидек Унинг “دي”и (қўли) бор, аммо бу унинг улуҳияти ва жалолига муносибдир, дейилади. Ёки ушбу оятларни луғат қонунлари қабул қиладиган, араблар сўзлашувида маъруф бўлган ҳамда ишоралар тақозо этадиган мажозий маъноларда тафсир қилиш мумкин. Бу қоидага кўра, оятдаги “истиво”ни “эгаллади, салтанатига олди” маъноларида тафсир қилиш мумкин. Фатҳ сурасидаги $مَهْيَدِيْٓ اَقْوَفَ ۙ لَلْاُدِّي$ (Аллоҳнинг қўли уларнинг қўли устидадир) оятидаги “دِي” калимасини “қувват” маъносида, Моида сурасидаги $اَدِّيْ ۙ لَبَّ$ (Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича нафақа қилур) оятидаги “دِي” (қўли) калимасини “саховат” маъноларида тафсир қилиш мумкин.

Аслида, мазкур ҳар иккала тафсир ҳам таъвилдан холи эмас. Биринчи тафсирда ижмолий таъвил, иккинчисида эса, тафсилий таъвил мавжуд.

Ўзингиз кўриб турганингиздек, “қўл”, “юз”, “кўз” калималарининг луғавий маъноларига қарасангиз, уларнинг махлуқлар қўллайдиган машҳур бир аъзолар эканлиги маълум бўлади. Ваҳоланки, бу каби сифатлар – ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар иккала тафсирда ҳам- Аллоҳнинг зотидан нафий қилинади. Шунинг учун ҳам биринчи тафсирда “Унинг қўли бор, аммо у Ўзи айтганидек, унинг жалолига муносибдир. Унинг кўзи бор, аммо у Ўзи айтганидек, унинг жалолига муносибдир” дейилмоқда.

Гап шундаки, муташибоҳ оятларни таъвил қилишда, аксар салафлар каби, ижмолий таъвил чегарасида тўхташ шартми? Ёки ижмолий таъвил чегарасидан Аллоҳнинг китоби ва Расулулоҳ с.а.в ҳадисларида кўплат ишлатилган истиора ва мажоз каби маъруф йўлларга ҳам ўтса бўладими?

Биз танишиб чиққан ва қисқача маълумотга эга бўлган манҳажимизда, мусулмон кишини иккала мавқифдан фақатгина бирини лозим тутишга мажбурловчи ҳеч қандай нарса йўқдир. Асосий муҳим бўлган нарса, Аллоҳ таоло ўзига нисбат берган “қўл” калимаса орқали Аллоҳга махлуқлар аъзоси каби бир аъзони нисбат бермаслик билан бир вақтда Аллоҳни унинг каломидида собит бўлган калималарнинг луғавий далолатидан маҳрум қилмасликдир. Баъзилар Аллоҳни ширкдан поклаш мақсадида, Унинг ўз каломидида собит бўлган сифатларини мутлақо йўққа чиқарадилар.

Ўзларини “салафийлар” деб номловчи кишилар ҳудди мана шу масалада бизга муҳолиф чиқадилар. Бизга маълумки, эътиқодий ва шаръий сулукка доир асослар борасида уммат орасида муҳкам саналган муттафақ манҳаж мавжуддир. “Салафийлар” эса ўзларининг ана шу мансубликларини ўша муҳкам ва муттафақ бўлган манҳаж ўрнига қўйиб оладилар. Улар бу хусусда бизга қарши “бу умматнинг салафлари, улар умматнинг энг хайрлилари бўлишига қарамай, ҳеч қандай тафсилий таъвилга оғмадилар. Улар бу тарздаги насслар тафсирида, Аллоҳ таоло ўзи ҳақида нассларда исбот қилган нарсаларни исбот қилишдан нарига ўтмадилар. Улар нассларда ворид бўлган сифатлар ҳақида, бу сифатларни Аллоҳ таолонинг ўз рубубияти, улуҳиятига мос ва уни шерик ва ўхшашлардан улуғлаш маъносида тушуниш лозим, дейишдан бошқа нарсани зиёда

қилмадилар,” деб далил келтирадилар. Улар шунингдек, бизга қарши “Аллоҳ таоло ўз зоти ҳақида исбот қилган лафзларни луғавий маънодан мажозий, ёки истиора ва ёҳуд ташбиҳ маъносига ўтказишлик, таътийлнинг кўринишларидан бири бўлиб саналади” дея иккинчи иддаони қиладилар.

Уларга жавобан биз-Аллоҳ тавфиқи ила- қуйидагиларни айтиб ўтамиз.

Авваломбор улар ўйлаётганидек, бизнинг ҳар иккала ҳужжатга ҳам амал қилиш мажбуриятимиз йўқ. Чунки бу иккала ҳужжат, бўлиши мумкин бўлмаган ғойри воқеъ ҳужжатлар бўлиб, улар ҳақиқий ҳужжатлар эмасдир. Салафийларнинг, салафи солиҳ орасида сифат оятлари ёки унинг айримларини тафсир қилишда тафсилий тафсирга моил бўлганлари умуман бўлган эмас, сўзлари тўғри эмас.. Агар, салаф орасида будай қарашдагилар умуман бўлмаган деб фараз қилинган тақдирда ҳам, мазкур сифатларни араб тили қоидаларига мувофиқ, Аллоҳнинг китобида ишлатилган қорийналар, контекстлар тақозосига кўра таъвил қилиш Аллоҳнинг сифатларини бекорга чиқаришнинг бир тури, дейиш хато қарашдир.

Уларнинг биринчи ҳужжатларига жавобан қуйидагиларни келтириб ўтамиз. Расулulloҳ с.а.в “хайрлилар” деб гувоҳлик берган бу умматнинг салафлари илк уч асрга мансуб эканликларини биз яхши биламиз. Зеро, бунинг баёни аввалги баҳсларимизда ўтди. Уч асрга мансуб зотлар орасида кўплалари сифат оятлари ва уларнинг иловалари ҳукмида бўлган Мустафо с.а.в ҳадисларини тафсир қилишда тафсилий тафсирга бош урганлар. Ваҳоланки мазкурлар, бугун ўзларини “салафийлар” деб номловчиларга унчалик ёқмайди.

Тафсилий тафсир қилган зотлардан бири Имом Аҳмад р.а дир. Имом Байҳақий р.а нинг “ал Асмо ва ал Сифот” китоби; 292 саҳифасида саҳиҳ тарзда ривоят қилинишича, имом Аҳмад р.а Аллоҳ таолонинг, Фажр сурасидаги **فَصَّ أَفْصُ كَلْمًا لَوْ كُنَّا بَرَاءَ آجٍ وَ** (Ва Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар) оятини Наҳл сурасидаги **كُنَّا بَرُّرْمَ أَيُّ تَائِي** (...Роббининг амри келишига...) каби “Роббинг амри келса” дея таъвил қилганлар.

Яна шу туркумдан бири Расулуллоҳ с.а.в нинг “ батаҳқиқ, Аллоҳ бу кеча (эр-хотин) иккингиизнинг ишларингиздан кулди” ҳадисларига доирдир. Аслида бу ҳадис, Расулуллоҳ с.а.в меҳмонини ҳурмат-икром қилиб уни тўйдирган, аммо ўзлари очлик билан тунни ўтказган Ансорий эр-хотин ҳақида айтилган. Бу ҳадисни Имом Бухорий ва Имом Муслим р.а ривоят қилганлар. Имом Бухорий р.а “ҳеч қандай кайфиятсиз ўтиб кетаверинглар” қоидасида тўхтаб қолмасдан, балки ҳадисдаги كَحَض “кулиш” лафзини “раҳмат” дея таъвил қилганлар[1].

Яна мана шу туркумга оид таъвилдан бирини Байҳақий р.а “ал-Асмо ва ал-Сифот” китобида Ҳаммод ибн Зайддан нақл қилади. “Нузул ҳадиси” да ворид бўлган, Аллоҳ таолонинг дунё осмонига нозил бўлишини, Ҳаммод ибн Зайд, “Аллоҳ аzza ва жалланинг бандаларига иқбол қилиши” дея таъвил қилган.

Ҳудди шундай таъвиллардан бирини, Ибн Таймийя р.а ўзининг “Мажмуату фатово” китобида Жаъфар Содиқ р.а дан ривоят қиладилар. Жаъфар Содиқ р.а Аллоҳ таолонинг Қосос сурасидаги “وَجَّوْا لِكُلِّ آهٍ عَيْشٍ لَّك” (Унинг важҳидан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир) (кўпинча, одатда араб тилида “важҳ” калимаси ўзбек тилидаги юз-бет маъносида қўлланилади. таржимондан) сўзидаги وَجَّوْا калимасини “дийн” дея таъвил қилганлар. Ибн Таймийя р.а ўзлари Заҳҳок р.а дан, айнан мана шу оятдаги мана шу калимани, “Аллоҳнинг зоти”, “жаннат”, “дўзах” ва “арш” маъноларида таъвил қилганларини нақл қилганлар. Аммо ўзлари эса, оятдаги وَجَّوْا лафзини “жиҳат, тараф” деб таъвил қилишни афзал кўрганлар. Натийжада, Ибн Таймийя р.а таъвилларига кўра, оят “Аллоҳнинг жиҳати (тарафи) ирода қилингандан ўзга барча нарсалар ҳалок бўлгувчидир” маъносида бўлади. Ибн Таймийя р.а ушбу сўзларидан кейин: “ жумҳур салаф шундай деганлар” дейдилар[2].

Аллоҳ таолонинг Бақара сурасидаги

وَلَلْآخِرَةُ خَيْرٌ مِّمَّالْأُولَىٰ وَآلَؤُنَّ أَمَّ نِيْٓأَفُ بَرِعْمَلْأَوْ قُرْشَمَلْأَلْجَلْوَا

ҳақида жоиз бўлган таъвилни қилганликлари ҳар қандай қайсарларни қайсарликдан тўхтатади, ҳар қандай хусуматнинг охирини кесади ва бу мавзудаги ҳар қандай ихтилофга нуқта қўяди.

Ибн Таймийянинг ушбу таъвилини бошқа таъвиллардан ажратиб, бошқа таъвиллардан фарқли ўлароқ унга афзалият ва ҳақлиликни берган, мазкур оятдаги “важҳ”ни сифотлардан эмас, шунинг учун ҳам уни таъвил қилишда зарар йўқ, дейдиган кишиларнинг Ибн Таймийя таъвилини оқлаш учун йўл қидиришга ҳеч қандай чоралари йўқдир.

Биз, бу каломни оқлашга ҳеч қандай чора йўқ, деймиз. Зеро, бу матлуб нарсани, яъни шундоқ ҳам бўлиши лозим бўлган нарсани мусодара қилиб йўққа чиқазишдан ўзга нарса эмасдир. Аслида “Важҳ”ни Аллоҳнинг сифотлари туркумидан ташқарига чиқазиш эҳтимоли ҳам таъвил бўлиб, ушбу таъвил эшигини Ибн Таймийя очгандир. Агар баҳс ва мунозара ўрни бўлган ушбу қараш таъвиллардан саналмаганида, “важҳ” калимасининг Аллоҳ таоло исмлари сифатидан бири эканлиги ақлларга келмаган бўлар эди. Аллоҳ таоло эса ўз исмлари сифатларини ўзи хоҳлаганидек, ўз буюклигига муносиб, салатанати улуғлигига мос равишда, ўз зоти учун исбот қилгандир.

Агар сифат оятлари ва ҳадислари хусусида мана шу тарздаги таъвил маслагига таяниш жоиз бўлса, у ҳолда ушбу маслак таъвил қилгувчи ҳар бир кишининг қўлидага қуролга айланиб қолади. Ундан фақатгина ибн Таймийя фойдаланиши жоиз, аммо ундан ўзгалар бу маслақдан фойдаланишлари ножоиз, деган нарса эса номақбулдир.

Салафдан нақл қилинган ушбу таъвилларнинг луғатни англаш ва у билан муомала қилиш борасида ҳеч қандай таътийл ёки суистеъмолни тақозо этмаслигини мулоҳаза қилмоқ муҳимдир. Зеро, “важҳ” масаласида Ибн Таймийя қабул қилган таъвил ҳам шулар жумласидандир. Зотан, Ибн Таймийя ҳам салафлардан зикр қилинган раъйга эргашган ҳолда ўша таъвилни қабул қилганлар. Балки бу таъвиллар ақийда асослари ва шариат ҳукмлари соясида, араб тили қоидалари доираси ичида, унинг далолатига бўйсунган ҳолда қилинган таъвиллардир. Бу борада Имом Аҳмад р.а нинг Аллоҳ таолонинг “**أَفْصَافُ صُكَّ لَمْ لَأَوْ كُبَّرَءَ آجَو**” (Ва Роббинг ва фаришталар

саф-саф бўлиб келсалар) сўзидаги جَاءَ (келса) таъвили хусусида таянган далилдан кўра кучлироқ далил йўқдир. Имом Аҳмад р.а оятдаги جَاءَ калимасини كَبَّرَ (Роббингни амри келса) дея таъвил қилганлар. Бу таъвилда Аллоҳ таолонинг Наҳл сурасидаги $\text{مُتَّاتِنَا أَلَّا نُرْطَنَ فِيْ جَهَنَّمَ}$ (Улар ўзларига (ўлим) фаришталари ёки Роббингнинг (азоб) амри келишига интизор бўлиб турибдиларми?) оятини далил қилганлар. Қуръон муфассирлари орасида энг хайрлиси яна Қуръоннинг ўзидир.

Аллоҳ тавфиқи ила, буларнинг тафсилоти қуйида зикр қилинади.

Ана энди уларнинг иккинчи ҳужжатининг асоссиз эканлиги баёнига ўтамыз. Уларнинг иккинчи ҳужжатларини яна такрор эслатиб ўтамыз. Унда айтилишича, гўёки Аллоҳ таоло унинг луғавий маъноларини ўз зоти учун собит қилган лафзларни мажоз, истиора ёки ташбеҳ каби маъноларга ўтказишлик манъ қилинган таътийл турларидан бири ҳисобланади.

Уларнинг бу эътирозларига жавобан биз, биз келтирган мисол ва намуналар ушбу давронинг қанчалик асоссиз эканлигига далил бўлади, деймиз. Чунки, насларни, биз зикр қилиб ўтганимиздек, ҳақиқатдан мажозга ўтказиб таъвил қилган салафлар асло муаъттил бўлган эмаслар. Уларнинг бундай бўлиши умуман мумкин эмас. Борди-ю улар қилган таъвиллар тушуниш ва фаҳмлаш борасида таътийл ёки суистеъмолга олиб борганида, улар умуман бунга қадам босмас эдилар.

Майли фаразан, юқорида биз эслаб ўтган таъвиллар мисолларини йўқ ва бу таъвиллар умуман ворид ҳам бўлмаган, деб билайлик. Фараз қилайлик, салафи солиҳ р.а дан ҳеч қайси бирлари ўзларига, Аллоҳ таоло ўз зоти учун исбот қилган нарсаларни, уларнинг маъноларини Унинг ўзига ҳавола қилишдан зиёд, ҳеч нарса исбот қилишга ижозат бермаганлар. Ҳолат шундай бўлган тақдирда ҳам, билингики, бу нарса бошқаларнинг бу хусусда уларга муҳолиф чиқишларини мутлақ ҳаромга айлантиролмади. Салафи солиҳларнинг бундай лафз ёки сифатлар маънолари хусусида чуқур киришмасликлари сабаблари бир нечта бўлиши мумкин. Салафлар

Ўзларининг бу хусусда чуқур кетишга тоқатлари етмасликларидан ҳайбат ҳис қилишлари, ўша сабаблардан бири бўлиши мумкин. Улардаги мавжуд ушбу ҳайбат, жаҳолат, илмсизлик ёки илмий малака етишмаслиги туфайли эмас, балки кўпинча уларнинг қалбларидаги Аллоҳ махофати асари кучли эканлигидан эди. Сабаблардан яна бири, улар яшаган муҳит ва ҳолат шуни тақозо этар эди. Уларда бу нарсалар ҳақида бош қотириш эҳтиёжи бўлмаганидек, уларнинг атрофларида ҳам, уларни мана шундай хавотирларга, бош оғриқларга ундайдиган кимсаларнинг бўлмаслиги эди. Учинчи сабаб, уларнинг бу каби лафзлар ва сифатларга бу тарзда ёндашишлари ижтиҳодий бўлиб, масалаларни ижтиҳодий жиҳатдан ечиш эса, ўзгаларни ҳам уларнинг ижтиҳоди каби ижтиҳод қилишга мажбурламайди. Айниқса, улар ижтиҳод ва мунозарага муносиб бўлган илмий малакадан келиб чиқиб ушбуларни қилаётган бўлсалар. Ваҳоланки биз, саҳобалар мазҳабини мустақил ҳужжат, деб билмаймиз. Шундай бўлгач, тобеийн ва табаъа тобеийнлар мазҳабини ўз-ўзидан мустақил мазҳаб дея эътироф қилмаймиз. (Аммо ҳанафий мазҳабига кўра, маълум бир шартлар асосида саҳобалар мазҳаби ҳам шаръий далил ҳисобланади)

Модомики, мазкур сабабларнинг барчаси салафларнинг тафсилий таъвилга кирмасликларига эҳтимоли бор экан, уларнинг қарашларини ҳужжат қилиб олиш нотўғри бўлади. Зеро бу, тавилнинг ҳаромлиги ва сифатларни поклаш ва ягона деб билиш ила зоҳирий маъносида тўхташнинг вожиблиги каби бошқа сабабнинг мавжудлиги эҳтимолига суянишдек ботил ҳужжатни тақозо қилади. Айни пайтда даъво қилинаётгандан умумийроқ нарсага эътимод қилиш ҳам бўлади. Эҳтимолли нарсани далил сифатида келтириш эса жоиз эмаслиги, барчага маълумдир.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Аллоҳнинг китоби нозил бўлган, унинг воситасида Мутоҳҳара Суннати Набавийя етиб келган араб тилини ҳакам санашдан бошқа чора йўқдир. Араб тилини ҳакам санаш эса, унинг қоидаларини татбиқ қилиш демакдир. Унинг қоидаларига ҳақиқат, мажоз, таъвилни тақозо қилувчилар ва уни манъ қилувчилар каби кўплаб нарсалар киради. Бу борада ушбу тилни фаҳмлашда пишиб етилган, унда Ислом шарияти ва ақийдаси асослари хусусида, ижтиҳод қила оладиган даражада, маърифат малакаси ўсиб улғайган, шу билан бирга Аллоҳ тақвоси ҳамда дийнда сидқу истиқоматга эга бўлган кишиларгина беллаша оладилар. Ибн Таймийя р.а узоқ баҳс қилган, бунинг орасида

“важҳ”ни араб тили, унинг иштиқоқлари ҳамда ундаги ҳақиқат ва мажоз важҳларига таянган ҳолда, жиҳат дея таъвил қилиши ҳам биз айтиб ўтган нарсанинг татбийқий кўринишидан ўзга нарса эмас. Маълумки, биз бу ўринда Ибн Таймийя билан “важҳ” масаласида луғат ёки Қуръоний далолат жиҳатидан муноқаша қилиш, у кишининг раъйлари билан “важҳ”ни зот дея тафсир қилгувчилар орасини яқинлаштириш мақсадида ҳам эмасмиз. Мен айтмоқчиманки, - биз ҳозир бу борада баҳс юритмаётган бўлсакда - балки, бу мавқифда юқоридаги каби калималарни луғавий далолат ва қоидалар ҳудудида, Аҳли Сунна наздида муттафақ бўлган Исломиё ақийда куллияси ҳамда асослари тақозоси доираси ичида таъвил қилиш борасидаги ижтиҳод мақбул эканлигини баён қилиб ўтмоқчиман холос. Бундай таъвилларнинг мақбул эканлиги сабаби, уларнинг муттафақ манҳаж доираси ичида ҳаракатланаётганлиги, уларнинг мана шу доирадан ташқарига чиқмаганлиги ёки ундан бўйин товламаганлигидир.

Ана шу манҳажга риоя қилинган бўлса, бунинг ўзи кифоядир. Ундан сўнг, салафи солиҳнинг сифат оятлари ва бошқалари хусусидаги ижтиҳодлари билан ҳарфий иттифоққа келиш шарт ҳам, мажбурий ҳам эмас. Зеро, бир аср ва бошқаси орасидаги табиий ихтилофдан зиёд, бир мужтаҳид ва бошқаси орасидаги сабаблар ва ҳолатлар ўзгариб туради. Турли муносабатларга кўра Ҳаммод ибн Зайд, Хоттобий ва Байҳақий каби кўплаб имомлар бу нарсаларни зикр қилганлар.

Ҳудди шу маънони Байҳақий ўз китобида зикр қилади. Байҳақий р.а, икки Шайх марфуъ ҳолда Анас ибн Молик р.а дан ривоят қилган

ط ق ط ق ل و ق ت ف ه م د ق ا ه ي ف ة ز ع ل ا ب ر ع ض ي ي ت ح د ي ز م ن م ل ه ل و ق ت م ن ه ج ل ا ز ت ال
ا ق ل خ ه ل ل ا ئ ش ن ي ي ت ح ل ض ف ة ن ج ل ا ي ف ل ا ز ي ال و ض ع ب ي ل ا ا ه ض ع ب ي و ز ي و
ة ن ج ل ل و ض ف ه ن ك س ي ف

“Токи Роббул изза жаҳаннамга қадамини босмагунича, жаҳаннам “зиёдаси (яна қўшимчаси) борми?” дейишдан тўхтамайди. Шундагина у: «етарли, етарли» дейди ва ўзи билан ўзи киришиб кетади. Жаннатда (ҳам), токи Аллоҳ бошқа халойиқни яратиб жаннатнинг ортиб қолган (жой)ларига

зиёда бўлиши билан кўпайтирилиши, ана ўшалар билан уларнинг аҳли мукамал бўлиши, натижада ана ўшандагина улар тўлиши хусусида муттафақдирлар[4].”

Буларга қўшимча қилиб мен қуйидагиларни айтмоқчи эдим. Хаттобийнинг халафнинг салафга энг яқин кишиларидан, улардан унчалик узоқ бўлмаган даврда яшаган зотлардан эканлигини сиз яхши биласиз. У зот ҳижрий тўртинчи асрнинг биринчи ярмида яшаган кўзга кўринган олимлардан бўлганлар. Шундай экан, у кишининг бу мавзудаги адолатли, инсофли сўзларни тааммул қилиб кўришингиз мумкин. У киши ўз сўзларида салафни муносиб тақдирлаш, уларни ҳурмат қилиш, уларнинг фазилатлари ва пешқадамликларини билиш лозимлигини айтиб ўтганлар. Шу билан бирга, ўзгариб бораётган замонни муносиб баҳолаш, мужтаҳидни, унинг таъбири билан айтганда, “дин асослари маънолари ва уламолар мазҳаби”га таянган ҳолда, ҳолат тақозо қиладиган нарсага тобеъ бўлишни лозим қилувчи янги-янги ҳолатларни ҳисобга олиш шартлигини эслатиб ўтганлар. Сўнгра ҳар иккала шартларни мувофақатга келтирганлар.

У киши баъзи ўринларда таъвилдан йироқ турувчилар билан бирга иттифоқдош бўладилар, айрим ҳолатларда эса, тамоман акси ҳолатда бўладилар. Хаттобий таъвил контексти топилмаган, балки таъвил қилмаслик контекстлари тақозо қилган пайтларда, Аллоҳ таоло ўз зоти учун исбот қилган нарсаларни, ҳеч қандай таъвил ва кайфиятсиз исбот қилувчилар, яъни, таъвилдан йироқ турувчилар билан бирга бўладилар. Каломни зоҳирига биноан тушунмасликни тақозо қилувчи кучли контекстлар топилган пайтда эса, уларнинг мухолифлари билан сафдош бўладилар. Аммо, Хоттобий ҳар иккала ҳолатда ҳам ўзининг ижтиҳодий басийратига таянадилар. Юқоридаги ҳолатлардан, у киши ўзининг таъбири билан айтганда, “дин асослари маънолари” доирасида, ҳолат тақозосига тобеъ бўлишлари яққол намоён бўлади.

Аллоҳнинг дунё осмонига “нузули” ҳақида кўплаб собит бўлган саҳиҳ ҳадислар қаршисидаги Хоттобийнинг мавқифи биринчи мавқиф турига киради. У “Маолимус Сунан” китобида шундай дейди: “мен, ушбу нарсани, биз унинг зоҳирига иймон келтиришимиз, ботинини кашф қилмасликка

буюрилган илмлар туркумидандир, дейман. Ваҳоланки, бу Аллоҳ азза ва жалла ўз китобида зикр қилган муташобихлар жумласидандир.”

Хоттобийнинг иккинчи мавқифига эса, қуйидаги ҳолат мисол бўлади. Абу Довуд санади билан ривоят қилишича, Расулуллоҳ с.а.в ҳузурларига бир аъробий келиб: “Эй Аллоҳнинг расули! Одамлар қийналиб қолди, аҳл-аёл сарсон, молу дунё расво, чорвалар ҳалок бўлди. Бас, Аллоҳдан бизни (ёмғир билан) суғоришини сўраб дуо қилинг. Биз сизни Аллоҳга шафоатчи қиламиз, Аллоҳни эса, сизга шафоатчи қиламиз.” дейиши билан Расулуллоҳ с.а.в : “ҳолингга вой бўлгур! Нима деётганингни биласанми?” дедилар ва (зоҳиран ширкни ифодаловчи бу жумлалар қаршисида Аллоҳни ширкдан поклаб) тасбиҳ айта бошладилар. У зот с.а.в (бу жумлалардан норози эканлигидан) тинмай тасбиҳ айтар, токи саҳобалар юзидан ҳам ана шу нарса билиниб турар эди. Сўнгра ул зот с.а.в : “Ҳолингга вой бўлгур! Махлуқлардан биронтасига Аллоҳ шафоатчи қилинмайди. Аллоҳнинг шаъни ана шу нарса(лар)дан анча улуғроқдир. Ҳолингга вой бўлгур! Аллоҳ(нинг шаъни, азамати) нима эканлигини биласанми?! Албатта, Унинг арши осмонлари узра мана бундоқдир” дедилар. Ровий айтади: “бармоқлари билан унинг узра худди қубба каби қилдилар.” Расулуллоҳ с.а.в (сўзларини давом этдириб.): “дарҳақиқат, у (яъни, арш) у (яъни, Аллоҳ) сабабли, йўловчи (оғирлиги) туфайли ғичирлаётган (туя устига қўйиладиган) кажава каби, ғичирлаб туради.” . ибн Башшор: “Албатта, Аллоҳ аршининг устида, арши эса, самолари устидадир” жумлаларини зиёда қилган. Ушбу ҳадисни Бухорий р.а “ал-Тарих” китобларида зикр қилганлар. “Албатта, Аллоҳ аршининг устида” жумласига таълийқ қилган Хоттобий шундай дейди: “бу каломни зоҳирига биноан юритиладиган (тушуниладиган) бўлса, унда кайфиятни ифодалаш туридан бўлиб қолади. Ваҳоланки, кайфият Аллоҳ ва унинг сифатларидан нафий қилингандир. Тушуниланган нарса шулки, бу жумлалардан ушбу сифатни ҳақиқий маънода англаш ҳам, Уни мана шу ҳайъат билан чегаралаш ҳам мурод қилинмагани тушунилади. Бу жумлалардан Аллоҳ жалла жалолуҳу ва субҳанаҳу азаматини нафсларга тақрир қилдириш ирода этилган яқинлаштирувчи каломдан ўзга нарса эмас. Бу жумлалардан, (масалани) сўровчининг фаҳми етадиган даражада унга тушунтириш қасд қилингандир. Зеро, сўровчи (фаҳми илм-маърифатдан) бўм-бўш бўлиб, унда каломдаги дақиқ маънолар, яширин (ишораларни) англаб етиш илми йўқ эди.”

Бу жумлаларга қўшимча қилган Хоттобий, яна шундай дейди: “Мазкур каломда ҳазф ва яширин сўз мавжуд. “Аллоҳнинг нима эканлигини биласанми?!” сўзи маъноси “Аллоҳ жалла жалолуҳу азамати, буюклиги нима эканлигини биласанми?!” деганидир. “Албатта, у ғичирлаб туради” сўзи маъноси “арш Унинг жалоли ва азаматидан ожиз қолади, токи У туфайли ғичирлаб (овоз чиқариб) юборади. Зеро, кажаванинг йўловчи туфайли овоз чиқариб ғижирлаб юбориши, ўша кажаванинг устидаги нарсанинг кучлилиги ва кажаванинг эса, уни кўтаришдан ожиз эканлиги сабабли бўлишлиги маълум ҳолатдир. Расулulloҳ с.а.в ўзлари тарафидан бўлган ушбу ўхшатиш орқали (инсонлар фаҳмига) Аллоҳ азамати ва жалолини, Унинг арши юксаклигини тушунтирмоқчи бўлганлар. Шунингдек Расулulloҳ с.а.в бу билан шаъни олий, қадрли улуғ, зикри ҳайбатли бўлган Зотни, қадрда Ундан паст, даражада Ундан қуйида бўлганларга шафоатчи қилинмаслигини билдириб қўймоқчи эдилар.”

Айни бир мавзуда, икки мавқиф орасидаги фарқга эътибор беринг. Иккаласи ҳам, Аллоҳ Қуръонда зикр қилган муташобихлардандир. Иккаласи ҳам, бугунги кунда баъзи одамлар салаф мазҳаби ва халаф мазҳаби орасидаги тўсиқ, фарқ қилиб қўйган айни мавзудир. Ўша кимсалар, салаф мазҳаби деб номлаб олган ўша мазҳабни, нассларни тушуниш ва фаҳмлаш ҳақидаги муттафақ, ягона манҳаж ўрнига ўзлари учун манҳаж қилиб олганлар.

Аммо биз айримларинигина кўриб чиққан мавқифлардаги иш эса, бунинг тамоман аксига жорий бўлмоқда. Биз танишиб чиққан Имомнинг мавқифи бунга мисолдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Хоттобий р.а халафдан кўра салафга яқинроқ бўлганлар. Аммо буларга қарамасдан, имом юқоридаги каби мавқифларда насслар ва лафзлардан истинбот қилиб олган “дин асослари маънолари ва уламолар мазҳаби” дея номлаган нарсасини ўзи учун машъала қилиб олди. У кўплаб салаф уламолари ижтиҳод қилган ўша жузъий ижтиҳодларни ўзи учун имом қилиб олмади. Зеро, ишлар, унинг ўзи айтганидек, ҳолат ва шароит ўзгариши, иршод ва таълим сиёсати алмашуви билан боғлиқ қорийнларга алоқадор эди. Бу нарсаларнинг турлича бўлиши, аниқ эди. Гоҳида сиз саҳройи, илмсиз аъробийни муолажа этасиз. Баъзида анча илм ва маданиятдан бохабар тадқиқотчини муолажа

уларни ҳақ мазҳабни аниқлаб берувчи, Китоб ва Суннатга амал қилиб турган, бу жамоат иттифоқ қилган лафзлар далолати ҳамда маърифат манҳаж асослари ҳақидаги муҳкам қоидаларга тобеъ бўлиб турган жамоатни парчаловчи, бўлиб ташловчи сифатида эътибор қилиб бўлмайди.

Яхшилаб тадқиқ қилиб ўрганиб чиқилса, биз айтаётган ушбу сўзлар, ҳар иккала гуруҳнинг бирортаси раъйига, ёки улардан баъзилари қолиб, бошқаларининг мазҳабларига ён босмайди. Зотан, қорийна ва далолат усуллари шуни тақозо қилиб турган бўлса, ижтиҳоднинг иши, вазифаси шудир. Фақат бир шарт билан, яъни, ўша ижтиҳод ижмоъ собит бўлган усул ва қоидалар доираси ичида бўлсин.

Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ушбу ижтиҳодий ихтилофларга мусулмонлар орасини ҳақ ва ботил йўлларга бўлувчи, уларни бир-бирларига тамоман муҳолиф, бир-бирларига ёв сифатида қарайдиган жамоатларга бўлиниб кетишларига унвон сифатида қарамаслик керак. Баъзи кишилар наздида, мана шундай қарашнинг ўзиёқ Аллоҳнинг дини борасидаги бидъатлар орасидаги энг хатарли бидъатлардан бири саналади.

Саҳиҳ ва ботил эканлиги очиқ билинмаган, аниқ бўлмаган ихтилофли масалалар асосан уч асосда бирлашишини айтиб ўтдик. Ана шу уч асосдан биринчисини баён қилиб чиқдик. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бу турдаги хилофлар, ихтилоф қилувчи ҳар иккала тарафни ҳам залолатга тушишларига, ҳақ йўлдан оғиб кетишларига сабаб бўлмайди. Бундай ихтилофлар, Аллоҳнинг фазли ила, тафриқа, мусулмонлар сафини бузувчи, уларнинг бирликларига раҳна солувчи ихтилоф ҳисобланмайди.

Иккинчи асос: бидъат; унинг таърифи ва ҳукми

Ҳақ ёки ботил эканлиги қатъий бўлмаган масалаларни ўрганиш асносида билиш лозим бўлган иккинчи асос “бидъатдир”. Бидъат ана шу уч асос ичида энг кенг қамровлисидир. Аслида биз бидъатни умумий, кенг маънода тушунидак бўлсак, биринчи ва учинчи асослар ҳам унинг манъолари остига кириб кетганини кўраимиз.

Аммо биз бу ўринда, бидъатнинг Аллоҳнинг сифатлари ва уларнинг тафсири; муташобихот ва унинг таъвили ҳамда тасаввуф ва унга боғлиқ муаммолар ҳақидаги масалалардан мустақил равишда ўзига хос маъноларини ўрганиб чиқмоқчимиз.

Ишни, у ҳақида ижмоя собит бўлган ва муҳкам собит насслар унга далолат қилган қоида билан танишиб чиқишдан бошлаймиз. Бу қоидага биноан, бидъат ундан четланмоқлик лозим бўлган залолат саналади. Муслмон киши ўзи ҳақида доимо ҳушёр бўлиши шарт бўлган энг хатарли маъсиятлардан бири бу- дийний масалаларда янгилик киритишдир ёки бошқача қилиб айтганда бидъатчиликдир. Бидъатнинг нақадар оғир гуноҳлардан эканлигига, далил сифатида, Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари кифоя қилади. Шууро сураси; 21-оятда

“لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ۚ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ۚ إِنَّ اللَّهَ لَحَدِيدٌ لَدَىٰ الْعَرْشِ الْمُبِينِ”

(Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шерик (худо) лари борми?!) дейилса,

Наҳл сураси; 116-оятда

“لَا يَلْبَسُ الْكِبْرِيَّتَ الْعَالِيَةَ ۖ يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ ۚ لَيْسَ لَهُ سِوَى اللَّهِ وَلِيًّا ۚ إِنَّ اللَّهَ لَحَدِيدٌ لَدَىٰ الْعَرْشِ الْمُبِينِ”

(Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиш учун тилларингиз васф қилган ёлғонни гапириб: “Бу ҳалол, бу ҳаром” деяверманглар. Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқувчилар нажот топмаслар.) дейилади.

Мазкур далиллардан ташқари Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в нинг қуйидаги муборак сўзлари ҳам мусулмонларни бу қабоҳатдан четлатиш учун етарлидир. Икки шайх ривоят қилган ҳадислардан бирида, Расулуллоҳ с.а.в: ((در وهف ه ن م س ي ل ام اذه ان رم أ ي ف ث د ح أ ن م))
“Кимки, бизнинг мана бу ишимизда, ундан бўлмаган нарсани янги киритган бўлса, бас у мардуддир.” дедилар. Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда эса: “ر ش و ، دم حم ي ده ي ده ل ري خ و ، ه ل ل ب ا ت ك ث ي د ح ل ل ري خ ن ا”
“Сўз(лар)нинг энг хайрлиси Аллоҳнинг китоби; сийрат(лар)нинг энг хайрлиси Муҳаммад (с.а.в) сийрати; ишларнинг энг ёмони эса унинг янги пайдо бўлганларидир. Барча бидъат залолатдир.” дейилади.

Хўш, бидъат ўзи нима? Унинг таърифи қандай?

Бидъат ҳақида кўплаб таърифлар берилган. Аммо ўша таърифлар орасида муштарак, бидъатни бошқалардан ажратиб берувчи, қайта-қайта такрор бўлган умумий таъриф ҳам бор. Бу таъриф, имомлар ихтилоф қилган бошқа таърифларга ўзини қабуллантирган бўлиб, у барча имомлар тарафидан қабул қилинган муттафақ нуқталарни ўз ичига олгандир. Ана энди биз бу мақомда ўша ягона муштарак, бидъатни ўзгалардан ажратиб берувчи таърифни баён қилишга киришамиз. Бундан мақсад, мана шу асосга тааллуқли бўлган ижмоъ ва иттифоқ доираларини чегаралашдир. Токи бу доира атрофидагиларни ва жузъий ихтилофларни ажратиб олиш биз учун қулайлашсин.

Бидъатга берилган таърифлар ичида энг тор маънолиси Имом Шотибий р.а ўзининг “ал-Эътисом” китобида берган таъриф бўлса керак. Бу таъриф бидъатнинг у ҳақида ижмоъ собит бўлган, Китоб ва Суннатда ундан қайтарилган маъноларинигина ўз ичига олади. Имом Шотибий таърифига кўра: “Бидъат- диний борадаги, шариатга тенглаштирилмоқчи бўлган,

янги ихтироъ қилинган йўлдир. Бу йўлга юришдан, Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилиш хусусидаги муболаға қасд қилингандир.” Имом Шотибий р.а бидъатга бундан бошқа таъриф ҳам берганлар. Аммо бу таъриф аввалги таърифдан кенг қамровлироқ бўлиб, унга муттафақ бўлинмаган баъзи ихтилофли ишлар ҳам дохил бўлган. Бу таърифда: “Бидъат-диний борадаги, шариатга тенглаштирилмоқчи бўлган, янги ихтироъ қилинган йўлдир. Бу йўлга юришдан, шаръий йўл(га юриш)дан қасд қилинган нарса қасд қилинган бўлади.”

Биз бу мавқифда баҳсни биринчи таърифдан бошламоқчимиз. Бу баҳсда ўша таърифдаги ижмоъ ва ихтилоф ўринларини таҳрир қилиб чиқмоқчимиз.

Демак, барча мусулмон имомлари ва уламолари наздида бидъатнинг ҳаром эканлиги шак-шубҳасиз ҳақиқатлардандир. Шунингдек, уларнинг қатъий ишончи ва иттифоқига кўра, дин номи билан янги ихтироъ қилинган ҳар қандай йўл, хоҳ у ақидага оид ёки ибодатга доир бўлсин, бидъат маъносига дохил бўлади. Зеро, ақийда борасидаги қўшимчалар ёки ўзгартиришлар ҳудди ибодат масалаларидаги қўшимча ва ўзгартиришлар кабидир. Одатда, ушбулардан кўзланган мақсад, Аллоҳга қуллик қилиш борасидаги муболаға ёки ихтироъ бўлади.

Шариатда собит ва муқайяд бўлган фарз ва нафл намозларга қўшимча янги намоз ихтироъ қилиш; Қуръон ва Суннатда ворид бўлмаган ҳолда баъзи бир кунларнинг ўзига хос фазилати туфайли, ўша кунлада рўза тутишни янги ихтироъ қилиб олиш; ибодат маъносида дастурхондаги таом турини чегаралашни вожиб санаш; жанозалар олдидан баланд овоз билан зикр ва қасидалар айтиш; маййитни қабрга киритиш чоғида азон айтиш; маълум вақтдан сўнг жаҳаннам тамом бўлиши ва кофирлар азоби интиҳосига етиши ёки кофирларга бўладиган азоб, фақатгина шармандалик ва надомат азоби бўлади эътиқодини ихтироъ қилиш кабиларнинг барчаси мусулмонлар ижмоъсига биноан бидъат маъносига дохил бўлади. Шунинг учун бундай бидъатларга ёки улардан айримларига амал қилиш, саййидимиз Расулуллоҳ с.а.в айтганларидек, залолат саналади.

Хўш, бу мавзудаги ихтилофлар қаерга яширинган?! Ихтилоф эгалари нима учун ихтилоф қилмоқдалар?!

Ихтилофлар асосан икки нуқтага яширингандир.

Биринчи нуқта: одатлар. Бидъат маъноси одатларни ҳам ўз ичига оладими?! Агар шундай бўлса, у ҳолда одамларнинг саҳобалар урф-одатлари ёки Расулуллоҳ с.а. в тарафларидан маъруф бўлган одатлардан бошқача бўлган барча кўникма ва урф-одатлари бидъат саналади. Ва натижада эса, уларнинг бундай урф-одатлари одамлар ундан четланишлари лозим бўлган залолат туркумига кириб қолади.

Салаф ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъийн бу масала ҳақида аниқ бир раъйга иттифоқ қилмаганлар. Саҳобалар ва тобеъийлар орасида Расулуллоҳ с.а.в дан сўнг пайдо бўлган одатларни қабул қилмайдиган ва қабул қилинишига рози бўлмаган зотлар бор эди. Ушбу янги пайдо бўлган одатлар таомланиш, кийиниш, турар-жой ёки бошқа нарсаларга тааллуқли бўлишининг бу хусусда ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Улар орасида яна шундай зотлар ҳам бор эдики, улар инсонлар ҳаёти давомида ривожланиб ўзгариб турадиган одатлар билан Шорий ундан қайтарган бидъат орасида ҳеч қандай боғлиқлик ва алоқа кўрмас эдилар. Уларнинг наздида, мусулмон киши хоҳлаганича урф-одатлар пайдо қилиши мумкин, гарчи бу одатлар Расулуллоҳ с.а.в ва саҳобалари асри саодатларида ҳукмрон бўлган одатларга муҳолиф бўлса-да. Уларнинг урф-одатларга бу тарзда ёндашишларининг сабаби, улар наздида одатлар мустақил шаръий далил ва шаръий масдар ҳисобланмас эди. Айниқса, биз сўз юритаётган феълий одатлар ҳеч қандай шаръий масдар ҳисобланмайди. Биз ушбу китобнинг кириш қисмида салафлар р.а асрларида янги пайдо қилинган одатларга кўплаб мисол ва намуналар келтирдик. Шу билан бирга уларнинг бу тарздаги одатларга нисбатан тутган мавқифларини ҳам баён қилиб ўтдик. Чунки салафларнинг Расулуллоҳ с.а.в асрларидаги жорий амалий урфларнинг қадр қийматларига бўлган ижтиҳодий назарлари турлича эди. Улар ўша урфларнинг Суннат маъносига кириши ёки кирмаслиги ҳақида турлича қарашга эга эдилар. Биз бу нарсаларни такрорламоқчи

эмасмиз.

Ана шу ихтилоф давоми сифатида, кўриб турганимиздек, бидъат таърифи борасида ҳам ихтилоф юзага келган. “Нубувват асрида ҳукмрон бўлган одатлардан озод бўлиш бидъат маъносига кирмайди”, дегувчилар юқорида биз зикр қилиб ўтган биринчи таърифга суянадилар. Бу таърифга таянадиганларга кўра, инсонлар, модомики Китоб ёки Суннат ёхуд мусулмон имомлар ижмоъси орқали собит бўлган ҳукмларга қарши бўлмаса, хоҳлаган урф-одатларни танлашларида ҳараж йўқдир. Иккинчи таърифга суянадиганлар наздида эса, Набий с.а.в тарафларидан иқрорга эга бўлган ва ул зот с.а.в ҳаётларида амалда бўлган одатлар шаръий масдарлардан бири ҳисобланади. Ана шу одатлардан қандайдир бошқа одатга оғишиш бидъат ва залолат эътиборида бўлади[5].

Мана шу биринчи нуқтага тегишли бўлган ихтилоф салафлар асридаёқ юзага келиб бўлганди. Биз бу ҳақида китобнинг кириш қисмида батафсил ёритиб ўтдик. Бу масала кўплаб одамлар ўйлаганларидек, салаф ва халаф ўртасида пайдо бўлган тортишув кўриниши эмасдир.

Иккинчи нуқта: бидъат таърифини воқеа ва жузъий масалаларга татбиқ қилиш. Кўпинча бидъат таърифини амалга татбиқ қилиш ва уни жузъий масалаларга ҳукм қилиш тортишув ва қарашлар уфқини очиб юборади, эҳтимолий жиҳатларни ғалаёнга келтиради. Натийжада, муттафақ бўлган таърифлар ҳам татбиқ масаласига келганда ихтилоф ўчоғига айланиб қолади. Фикр ва тушунчалар фақат зеҳнда, каллада айланиб юрган чоғида бу қоидаларга ижмоъ собит бўлган бўлади. Аммо кўпинча мусулмон имомлар ва уламолар ичида ихтилоф пайдо бўладиган пайт бу ўша зеҳндаги қоидаларнинг амалий татбиқоти чоғидир. Бу жараённи усул фикр уламолари “танқийҳул манот” деб атайдилар.

Инсон ҳақидаги қазо-қадар тафсилоти, мажбурийлик ва ихтиёр масаласи хусусида савол бериш бидъат маъноси остига кирадими ёки йўқми?! Бу иккала масалада савол бериш, чуқур кетиш сақланиш лозим бўлган бидъатдан саналадими?! Ёки улар ҳақида чуқур кетиш мумкинми?! Бидъат

таърифи ва маъноси уларга тўғри келадими ёхуд улар ҳақида баҳс қилса бўлаверадими?!

Дин асллари ва Ислом ақоидини мудофааси учун илми калом, фалсафа истилоҳлари ва мантиқ қоидаларини қўллаш бидъат таърифига мувофиқ келадими ёки йўқми?! Агар мувофиқ келса, ундан четланиш лозим. Агар мувофиқ келмаса, уларнинг барчасини ҳушёрлик билан, кўплаб ана шу қоида ва илм эгалари кириб кетган ботил йўлларга оғишмасдан, дин асллари ҳамда Ислом ақидаси мудофааси учун хизмат қилдириш керак.

Бидъатчилар билан уларнинг бидъатлари масаласида муноқаша қилиш, улар ушлаб олган ботил ишлари хусусида сўзлашиш бидъат амалдан ҳисобланадими, унинг мазмуни ва бўлақларига кирадими?! Агар бу амаллар бидъат амаллардан саналса, у ҳолда бидъатчилар билан уларга раддия бериш учун сўзлашиш билан шуғулланиш ҳаром амал ҳисобланади ва бунга қадам босмаслик керак бўлади. Агар бу амаллар унинг маъноси остига кирмаса, у ҳолда ўша бидъатчилар мафкураси бузуқлигини исботлаш учун уларга қарши раддия бериш билан шуғулланишнинг ҳеч қандай зарари йўқдир.

Тадқиқотчининг Қуръон масаласида, Қуръоннинг нафсий маънолар билан ўша маъноларни ифодалаш учун айтилган лафзлари, шу билан бирга сиёҳи, варағи ва ғилофлари орасини ажратиши ҳам юқоридаги каби баҳсли мавзулар жумласидандир. Уламолар биринчисини қадимдир, у махлуқ эмас десалар, икинчисини янги пайдо бўлган ва махлуқдир, дейдилар. Аслида, Қуръон борасидаги мана шу тафриқа бидъат ҳисобланадими ёки йўқми?! Зеро, Расулуллоҳ с.а.в асри саодатларида бундай тафриқа бўлган эмас эди. Шунинг учун ҳам умумий қилиб “Қуръон қадимдир. У махлуқ эмас” дея тафсилоти ва тафарруотга кирмай кетавериш керакми?! Агар бу тафриқа бидъат саналмайдиган бўлса, бу тафриқа илгари саҳобалар р.а ижмолан билган нарсаларнинг шарҳи ва баёни ҳукмида бўлади. Ана шу нуқтаи назардан, бундай тафриқа ва тафсилотнинг, айниқса таълим соҳасида, ҳеч қандай зарари йўқдир.

Расулуллоҳ с.а.в вафотларидан, ёки салоҳият ва истиқомат билан маъруф ва машҳур бўлган зотлар ўлимларидан сўнг уларнинг ҳурматлари билан васила қилиш; бу амал бидъатлар туркумига кирадими?! Чунки бундай тавассуллар Аллоҳ унга изн бермаган динда янги пайдо бўлган нарсалардан ҳисобланади. Бунақанги тавассуллар диннинг бирор асоси ва ҳукмларига дохил бўлмайди. Аксинча, у диннинг умуртқаси ҳукмида бўлган зот ва сифатдаги тавҳидни ўз ичига олувчи Аллоҳ ҳақидаги мукамал тавҳидига зид келади. Ёки ушбу тавассуларни Расулуллоҳ с.а.в ҳоли ҳаётлик чоғларида, у зот ҳурмати билан қилинган тавассулларга қиёсланадими?! Ваҳоланки, Расулуллоҳ с.а.в ҳаётлик чоғларида у зот ҳурматлари билан тавассул қилинганлиги саҳиҳ ҳадисларда собит бўлган ҳақиқатдир. Бу нуқтаи назардан қаралса, тавассул билан бидъат орасида ҳеч қандай алоқа йўқдир.

Ибодатларни орттириш; ҳўш, бунинг қоидаси қандай? Унинг чегараси қаергача? Бу мавзуга оид кўплаб воқеа ва мисоллар борки, улар кишининг диққат назарини ўзига жалб қилади. Бир қарашда ибодатларни зиёдалаштириш динни орттириш ва янги ихтироълар турига ўхшаб кетади. Яна бир қарашда эса, бу амаллар ихтироъ ва динга қўшимча киргиши ҳолатига ўхшамайди.

Мадина кенгайиб, унинг аҳли жумъа куни пешин вақти кирганлиги ҳақида олдинроқ билдирилишга эҳтиёж сезган пайтларида, Усмон р.а (Мадинадаги ўша даврдаги бозор ёнидаги) Заврода жойлашган ховлисида янги пайдо қилган азон масаласи; Бу азон Расулуллоҳ с.а.в замонларида, ул зот минбарга кўтарилган чоғларида масжид дарвозаси устида айтиладиган азон эмас эди. Ўша даврда мана шу азоннинг ўзи Мадина атрофига етар эди. Ҳўш мана шу азон бидъат амал саналадими? Ёки Исломиё масолиҳлар тақозоси, жумъа ибодатини чиройли шаклда адо этиш зарурати ҳисобланадими?[6]

Ҳаж ва умра маносиклари учун эҳром боғлаш масаласи; бизга маълумки, ҳаж ва умра маносиклари учун эҳром боғлаш шарт бўлган мийқот ўринларини Расулуллоҳ с.а.в ўзлари белигилаб берганлар. Муаммо шундаки, киши эҳромни белгиланган мийқотдан олдинроқ боғлаб олса

нима бўлади? Киши бу амали билан бидъатчига айланиб қоладими? Чунки у, гўёки, Расулуллоҳ с.а.в белгилаб қўйган чегарага хилоф қилаётибди ва натижада бу амали билан қайтарилган амалга киришиб кетмоқда. Бошқа қарашга кўра эса, бу киши Суннатга амал қилганлардан саналади. Чунки мийқотдан эҳромсиз ўтиб кетиш билан суннатга бўлган мухолафат юзага келади. У эса мийқотдан эҳромсиз ўтмади. У гўёки, ўша белгилаб қўйилган чегара олдида ўзига ўша буюрилган нарсани лозим тутди. Расулуллоҳ с.а.в тарафларидан Оиша р.а га : “Ажринг машаққатингга кўра бўлади” деганлари саҳиҳ тарзда ривоят қилинган.

Байрам намози масаласи; агар байрам намози жомеъ масжидда адо қилинса, намозхонлар бидъатчи саналадиларми? Зеро, Расулуллоҳ с.а.в одамларни байрам намозини Мадина ташқарисидаги намозгоҳда адо қилишга тарғиб қилар эдилар. Ёки, замонлар ва эҳтиёжлар ўзгариши ҳисобига, шариатдаги “ҳаражни кўтариш ва енгиллик излаш” каби қоидаларга биноан бу ибодат хусусида ҳукмнинг енгиллиги айланишига кўра, улар бидъатчилар тоифасига кирмайдиларми?

Мазкур мисоллар, бидъат таърифига дохил бўлиш далолати аниқ бўлмаган татбиқотларга намуна ҳисобланганидек, унга дохил бўлмаслик далолати аниқ бўлмаган татбиқотларга ҳам намуна бўла олади. Ва натижада, ушбу мисоллар ижтиҳод ва назарлар ҳукми остида қолиб кетади. Улар ижтиҳод ва назарларга бўйсунганлиги учун, айнан мана шулар борасида қадимдан ихтилофлар пайдо бўлган. Ихтилоф қилувчи тарафлардан бири салафни, иккинчиси халафни тамсил қилган эмас. Балки бундай ихтилофлар, саҳобалар асридан бошлаб учинчи аср ниҳоясига қадар яшаб ўтган, салаф имомларининг орасида ҳам бўлиб турган.

Ана энди, юқорида мужмал қилиб келтирилган намуналар тафсилотига киришамиз.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг исмлари, сифатлари, каломи ва қазо-қадарга доир бўлган масалалар хусусида саҳобалар ичида беҳуда чуқур кетиш ҳолати бўлмаган. Чунки улар бу масалаларга, Қуръонда келган,

Суннат баён қилинган тарзда, қатъий иймон келтирган эдилар. Уларнинг аввалги ҳаёт тарзлари мана шундай эди. Аммо Расулуллоҳ с.а.в вафот этгач, Ислом диёрлари кенгайгач, футуҳотлар авж олиб, яҳудий, насроний, монавий, зардуштий ва бошқалар каби дин эгалари Ислом динини қабул эта бошлагач, омма мусулмонлар билан улар орасида, шу пайтгача саҳобалар чуқур кетмаган масалалар борасида, тортишувлар чиқа бошлади. Бу пайтга келиб, саҳобалар икки гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳ саҳобалар, бу каби масалаларда тортишувдан йироқ туришни, умуман сукут сақлашни афзал кўрдилар. Улар бундай ишлар билан шуғулланишни мункара бўлган бидъат амалдан санадилар. Бундай ижтиҳодга эга бўлган зотлар бошида Умар ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Умар, Зайд ибн Собит ва кўплаб саҳобалар р.а турар эди. Бу каби масалалар хусусида ушбу саҳобалар ортидан эргашган тобъийлар ва имомлар бор эди. Буларга Суфён Саврий, Авзоий, Молик ибн Анас ва Аҳмад ибн Ҳанбал р.а ни мисол келтириш мумкин. Иккинчи гуруҳ саҳобалар, юқоридаги каби мавзуларда, шубҳалар эгалари ким бўлишидан қатъий назар, уларнинг шубҳаларини муолажа қилиш, шу мақсадда улар билан баҳслашиш ва мужодала қилишни афзал кўрдилар. Саҳобалар ичида бу гуруҳни Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд каби зотлар тамсил қилар эдилар. Улар ортидан кетган тобъийин ва имомларга Ҳасан Басрий, Абу Ҳанифа, Ҳорис Муҳосибий ва Абу Савр р.а ларни мисол қилиш мумкин. Алий р.а бидъатчиларни, улар ёпишиб олган ботил йўллардан қайтариш учун, мужодала йўллари билан бўлса ҳам, ҳақиқатга даъват қилиш борасида шижоат кўрсатар эдилар. Бу зот р.а қадарий киши билан қадар масаласида мунозара қилганлар. Алий р.а ҳатто, баъзи бидъатчи кимсалар билан мунозара қилиши учун Абдуллоҳ ибн Аббос р.а ни махсус юборганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд р.а иймон борасида Язийд ибн Умайра билан мунозара қилганлар. Ушбу саҳобалар бу ишлар билан машғул бўлган айни дамларда, кўплаб бошқа саҳобалар бидъатчилар билан муноқашага киришиш, кишининг ундан йироқ юриши вожиб бўлган, бидъат амалга киришиши, деб баҳолар эдилар.

Биз сизнинг эътиборингизга, салафи солиҳ йирик намояндаларидан бўлган икки зотнинг бир-бирига зид бўлган икки мавқифини ҳавола қилмоқчимиз. Улардан бири имом Молик ибн Анас р.а бўлиб, у доимо мусулмонларни шубҳа эгаларига қулоқ солиш ва улар билан бу борада мужодала қилишдан қайтарар эди. Молик р.а жумладан: “Бидъатлардан йироқ бўлинглар!” дер эдилар. Ул зотга: “Эй Абу Абдуллоҳ, бидъат нимадир?”

дейилди. Бунга жавобан имом: “Бидъатчилар Аллоҳнинг исмлари, сифатлари, каломи, илми ва қудрати ҳақида сўзловчи кимсалардир. Улар саҳобалар ва уларга чиройли тарзда эргашган зотлар сукут сақлаган нарсалар ҳақида сукут сақламайдилар.” дедилар[7]. Улардан иккинчиси Ҳасан Басрий р.а дирлар. Бул зот қазо ва қадар ҳақида рисола ёзиб, уни халифа Абдулмалик ибн Марвонга юборганлар. Бошқа ривоятда айтилишича, Ҳасан Басрий р.а ушбу рисолаи Ҳажжожга юборганлар. Ўша рисолада қуйидаги сўзлар битилган: “Салафлардан бирон бир киши бу нарсаларни зикр қилмаган ва улар бу ҳақида мужодала ҳам қилган эмаслар. Чунки улар ягона бир иш (яъни, дин) узра эдилар. Одамлар ана шу мункар ишни янги пайдо қилгач, биз ҳам бу ҳақида гапиришни янги пайдо қилдик. Динлари хусусида янгилик пайдо қилувчилар янги-янги нарсалар пайдо қилгач, Аллоҳ таоло ҳам ўз Китобини мустаҳкам ушловчиларга (дин борасидаги) бидъатларни ботилга чиқазувчи, ҳалокат ўринларидан огоҳ этувчи янги нарсаларни пайдо қилди[8]”.

Салафнинг илми каломга нисбатан тутган мавқифи, уларнинг шубҳа эгалари ҳамда ақийдавий ишларга оид бўлган мавзуларни ковлаб жунбушга келтирувчи кимсалар билан муноқаша қилишга бўлган мавқифларига боғлиқдир. Шубҳа эгалари билан тортишишни ёқтирмайдиган ва буни бидъат санаган зотлар одамларни илми каломдан ва уни ривожлантиришдан узоқ бўлишга чақирдилар. Улар билан муноқаша қилишда шижоат кўрсатган, уларнинг бузуқликларини ошкора қилган ва уларнинг каллаларига ўрнашиб қолган турли гумонларни даф қилмоқчи бўлган зотлар эса, модомики эҳтиёж бор экан, одамларни илми каломдан фойдаланишга чақирдилар. Эҳтимол, илми каломга берилган таърифлар ичида энг чиройли ва кенг қамровлиси ибн Холдуннинг “Муқаддима” асарида берилган таъриф бўлса керак. Унда шундай дейилади: “У, ақлий далиллар ёрдамида ийманий ақийдалар ҳимояси учун ҳужжатлашиш ҳамда эътиқодлар борасида салаф ва аҳли сунна мазҳаби мудофааси учун бидъатчи ва тўғри йўлдан оғиб кетганларга раддия беришни ўз ичига олувчи илмдир.”.

Мана бу таърифдан келиб чиқиб, калом илмининг юнон фалсафаси ва мантиқ қоидаларига асосланувчи ёки улар билан аралашиб кетган қандайдир қоришмадан кўра умумийроқ илм эканлигини билиб олишингиз мумкин. Калом илми, бугунги кундаги баъзи жоҳиллар наздидаги,

“Исломиё ақийдага оид масалаларни фалсафий истилоҳ ва қоидалар нуқтаи назаридан ўрганиш”, дегани эмасдир. Мана бу уларнинг тасаввури бўлиб, улар буни шунчаки айтиш билангина кифояланмасдан, балки калом илмини бутунлай тарк этдилар, бу билан шуғулланишни эса бидъат амалдан санадилар.

Салаф уламолари орасида ушбу масала хусусида икки ҳил мавқифга эга бўлган, Абу Ҳанифа р.а ва имом Шофеъий р.а каби, зотларни кўриш мумкин. Абу Ҳанифа р.а ҳаётларида шундай даврлар ўтдики, бу пайтларда у киши ақийда масалаларида калом илми услубига кўра ҳужжатлашиш ва ақлий далиллар орқали чуқур кетишни ёқтирмадилар. Сўнгра яна шундай кунлар келдики, энди Абу Ҳанифа р.а бу илмга мурожаат қила бошладилар ва бу илм манҳажини асосида ақийда ҳимояси мақсадида жидду жаҳд кўрсатдилар. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Абу Ҳанифа р.а “ал-Фикҳ ал-акбар” китобини битдилар. Ҳудди мана шу мақсадда, Усмон ал-Баттийга ўша машҳур рисоаларини ёздилар. Абу Ҳанифа р.а нинг бу тарздаги икки ҳил мавқифда туришларининг сабаби, у зотнинг инсонлар эҳтиёжи ва улар яшаётган замон шарт-шароитларини эътиборга олишлари туфайли эди. У кишининг “ал-Олим вал-Мутаъаллим” китоби орқали ҳам мана шу сабаблар маълум бўлади.

Ҳудди шу каби ҳолатни имом Шофеъий р.а ҳаётларида ҳам учратиш мумкин. У киши калом илмини мазаммати қилгани ҳақида кўплаб гап-сўзлар ривоят қилинган. Бунча ривоятларга қарамасдан, Шофеъий р.а халифа Рашид мажлисида Бишр ал-Марийсий билан калом илмига доир айрим масалалар ҳақида муноқаша қилганлар. Байҳақий Музанийдан исноди билан ривоят қилади. Музаний: “Мен билан бир киши орамизда гап айланиб қолди. У мендан шундай бир нарса ҳақида сўрадики, сал қолса ўша гап мени дейним борасида тараддудлантириб қўяёзди. Ўша заҳоти Шофеъий ҳузурига келиб, унга: “Иш шундай, шундай бўлди”, дедим. Шунда Шофеъий: “Бу мулҳидларнинг саволидир. Унинг жавоби бундоқ, бундоқ бўлади.”, деди.” Имом Шофеъий р.а нинг юқоридаги каби икки ҳил тарзда мавқиф тутишлари сабаби ҳам одамлар эҳтиёжи ва давр тақозоси эди.

Қуръон масаласига оид нарсаларга келсак, имом Аҳмад р.а бу масалада тафсилот ва тафриқотларга киришишни ҳеч оқламаганлар. Имом Аҳмад р.а Қуръоннинг Аллоҳнинг каломи ва унинг қадим эканлиги ҳақидаги ишонч масаласида лафз билан маъно, нафсий калом билан уни ифодаловчи лафзлар орасини ажратмаганлар. Аксинча, бу нарсалар билан шуғулланишни, Расулуллоҳ с.а.в саҳобалари танимаган, билмаган бидъатлардан санаганлар. Шунинг учун ҳам, у ўзи ҳақ деб билган, қаноатланган ҳақиқат учун сабот йўлида ёки тақво жиҳатидан эҳтиёткорлик йўлида бошларига келган оғир машаққат ва азобларга дучор бўлдилар.

Имом Шофеъий р.а эса, кишини Қуръон масаласи тафсилоти ва тафриқотига киришдан ҳеч қандай монеълик кўрмаганлар. У зот наздларида, Қуръоннинг лафзлари ва варақларига янги пайдо бўлган махлуқ ҳукми берилади. Аммо унинг “Каломи нафсий” дея номланувчи маъноларига эса “қадийм” ҳукми берилади. Қуръон масаласида бу тарздаги тафсилотга кириш орқали имом Шофеъий р.а Аҳмад ибн Ҳанбал р.а бошларига тушган машаққатлардан омон топдилар.

Биз, Аҳмад ибн Ҳанбал р.а нинг Қуръон лафзлари, у битилган сиёҳ, унга битилган варақлар янги пайдо бўлган, улар қадийм эмас, деган эътиқодлари хусусида ҳеч қандай шак йўқ эканлигига шубҳа қилмаймиз. Бироқ у зот, эҳтиёткорлик ёки илмий қаноат нуқтаи назаридан, мазкур тақсимот ва тафриқотга Китоб ёки Суннат далили, ёхуд кибор саҳобалар амалидан бирон йўл қидирмадилар.

Расулуллоҳ с.а.в ҳурматлари ёки у зотдан бошқа солиҳ ва муқарраблар ҳурмати билан тавассул қилиш масаласига келсак, бу ҳақида, фазилат гувоҳлиги берилган уч аср яъни, салафлар асрида бирон бир баҳс ёхуд мунозара бўлганлигини биз билмаймиз. Аксинча, бу мавзуда саҳобаларнинг Расулуллоҳ с.а.в муборак терлари, сочлари ва таҳорат сувларини тавассул ҳамда табаррук қилганликлари ҳақида собит бўлган саҳиҳ ҳадислар ҳадис китобларимизда мавжуддир. Бу мавзуда икки саҳиҳ ҳадислар тўпламида ҳам ҳадислар келтирилган. Термизий ва ибн Можалар саҳиҳ санад билан Усмон ибн Ҳунайф р.а дан ривоят қиладилар. “Кўзи

ожиз бир киши Набий с.а. хузурларига келиб: “Аллоҳга, менга шифо бермоқлигини сўраб, дуо қилсангиз.” деди. Набий с.а.в: “Хоҳласанг дуо қиламан. Агар (ўзинг) хоҳлаб (бу дардга) сабр қилсанг, бас, бу сен учун хайрлироқдир”, дедилар. (Бояги киши): “Ундан дуо қилиб (сўра)нг!”, деди. Шунда (Пайғамбар а.с) уни чиройли тарзда таҳорат қилиш ва “Аллоҳим, мен Сенинг набийинг- раҳмат пайғамбари бўлмиш- Муҳаммад хурматидан Сендан сўрайман ва Сенга таважжух қиламан. Албатта, мен сизнинг хурматингиз ила, мана бу ҳожатим борасида, уни мен учун раво қилинмоғи мақсадида Роббимга таважжух қиламан. Аллоҳим, уни мен учун шафоатчи қилгин!”, дея дуо қилишга буюрдилар.”. Имом Бухорий р.а.нинг саҳиҳларида, Умар р.а нинг ёмғир сўрашда Аббос р.а ни тавассул қилганликлари ҳамда унга ҳеч ким қарши чиқмаганлиги ҳақидаги ривоят собитдир. Ривоят қилинишича, амирул мўминийн Умар р.а замонларида инсонларга қаҳатчилик келди. Ўшанда бир киши Набий с.а.в қабрларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Умматингиз ҳалок бўлаёзди, улар учун ёмғир сўранг.”, деб (нидо) қилди. Уйқудалик чоғда Набий с.а.в унга келдилар ва уларнинг суғорилажакларининг хабарини бердилар. Ва шундай ҳам бўлди.” Бошқа ривоятда эса, “Набий с.а.в ўша кишига: “Умарга бориб, мендан унга салом йўлагин ва унга уларнинг суғорилажакларини хабарини бергин. Унга: “Юмшоқ бўл, юмшоқ бўл” деб қўйгин.”, дедилар. Бояги киши Умарга бориб (айтилган) хабарни етказди. (Бу хабарни эшитган Умар р.а): “Эй Роббим, кучим етганича ҳаракат қилмоқдаман”, дея йиғлай бошладилар[9].”

Биз юқорида зикр қилиб ўтган ҳадислар бу мавузга оид бўлган ҳадисларнинг айримлари холос. Бу ҳадислардан ташқари яна кўплаб ҳадислар борки, улар Набий с.а.в ҳаётлик чоғларида, ул зотни тавассул қилиш жоиз эканлигига далолат қилади. Пайғамбар с.а.в, ул зот с.а.в ни ёшлик пайтларида боқиб тарбия қилган Алий р.а нинг онаси Фотима бинт Асад р.а вафот қилганларида: “Аллоҳим, онам Фотима бинт Асадни мағфират қилгил! Набийинг ва мендан аввалги набийлар ҳаққи-хурмати унинг кирадиган ўрнини (яъни, қабрини) кенг қилгил!”, дея дуо қилганлар. Одам а.с машҳур хатони содир этганларидан сўнг, “Эй Роббим, мен Сендан, албатта унинг хурматидан Сен мени мағфират қиладиган Муҳаммад ҳаққи-хурмати сўрайман!” деганлар. Бу турдаги ҳадисларни ривоят қилувчилар орасида саҳиҳ дегувчилар ҳам, заъиф дегувчилар ҳам мавжуд. Аммо биз бу ўринда буларнинг тафсилотига кирмоқчи эмасмиз.

Муҳим бўлган нарса шулки, тавассул ҳақида Расулуллоҳ с.а.в, асҳоблари ва бошқа салафлар тарафидан бизга етиб келган нарсалар мана шулардир. Имом ибн Таймийя р.а келиб, набийлар ва солиҳларни тириклик чоғларида васила қилиш билан уларни ўтиб кетганларидан сўнг васила қилиш орасини ажратгунларига қадар, иш шу ҳолатда давом этиб келди. Ибн Таймийя р.а биринчи ҳолатга ижозат бериб, икинчисини эса ҳаром санадилар. Аммо бу ажратишнинг салаф асрига боғлиқ бўлган ҳеч қандай асоси йўқдир. Аксинча, юқорида айтиб ўтганимиздек, биз салафлар орасида бу хусусда бўлиб ўтган бирон баҳс, тортишув ёки муноқашага дуч келмадик. Ҳузуримизда турган, биз зикр қилган мана бу воқеалар эса машҳур ва маъруфдир. “Мутлақ келган нарса, токи уни муқайяд қилувчи далил келгунига қадар, ўша мутлақ ҳолатда давом этаверади” қоидасига биноан, мутлақ ҳолда зикр қилинган ушбу воқеаларнинг биронтасида ҳаёт ва мамот орасидаги бўлиниш ҳамда тафриқага далолат қиладиган нарса йўқдир. Муҳим бўлган нарса, васила Расулуллоҳ с.а.в ёки солиҳларнинг Аллоҳ наздидаги макони, ҳурмати билан қилинаётган бўлсин. Аллоҳ асрасин, васила ҳеч қачон уларнинг жисмониятлари, моддий қудратлари билан қилинмайди.

Аслида, ибн Таймийя р.а, сўнгра унинг ортидан эргашган кишилар танлаган ўша тафриқанинг илмий қийматини ёритиб бериш учун, бу мавзуда муноқаша ва тортишув эшикларини очсак бўлар эди. Аммо биз ушбу тортишувли, ёки ибн Таймийя р.а дан кейин тортишувли бўлиб қолган масала ҳақида муноқаша қилмоқчи эмасмиз. Биз мазкурларни, тадаббурли китобхон бу масалалар аҳли суннат вал жамоат орасини иккига бўладиган, уларнинг ҳар бирига ўзига хос шахсият қозонтирадаган тўсиқ, парда ва бўлувчи омил бўлолмаслигини тушуниб етсин учун келтириб ўтдик. Бу масалалар ягона Исломиёв жамоатни, салафий ва халафий дейилувчи икки мазҳабга бўлиб юборишга кучи етмаслигини, бундай бўлинишга асос бўлолмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилдиришни қасд қилдик. Бу масалалар, биз юқорида мулоҳаза қилган ва яна мулоҳаза қилмоқчи бўлган, ижтиҳодий нуқталар бўлиб, уларнинг асоси “таҳқийқул манот” борасидаги ижтиҳодга қайтади. Бу нуқталарда халаф келишидан олдин салафлар ўзлари ҳам ихтилоф қилганлар. (Аслида салаф орасида васила масаласида ихтилоф содир бўлганлигини биз билмаймиз.). Салафнинг бу хусусдаги ихтилофига келсак, фаразан ибн Таймийя р.а ни

ҳам салафдан деб қабул қилайлик. У ҳолда ибн Таймийя р.а нинг ўзлари тарафларидан бу масалада ихтилоф юзага келиб бўлди. Бу масала жузъий масала бўлиб, бундаги ихтилоф “тахқийқул манот” га тааллуқлидир. Бу масала мусулмонлар ягона сафини бузиб ташлашга ёки уларни икки мазҳаб ёхуд гуруҳга айлантиришга кучи етмайди. Афсуслар бўлсинки, ўша гуруҳлардан бири иккинчисини, айнан мана шу ихтилоф туфайли, ширк, диндан чиқиш билан айбланиши ёнида, фосиққа чиқазмоқда ёки уларга бидъатчилик ва залолатни нисбат бермоқдалар.

Ваҳоказо, ўша хатарли бидъатчилик, улар ўйлаётганларидек, набийлар ва солиҳларни васила қилиш амалида яширинган эмас. Балки у, васила қилиш салафлар йўлидан четга чиқиш, ўз эгасини ягона Исломий жамоат доирасидан чиқазиб ширк ва залолат доирасига киритувчи бидъатчиликдир, дея гумон қилиш ортига яширингандир. Зеро бу тасаввур, кўриб турганингиздек, ҳеч қандай ҳужжатга асосланмаган.

Ана энди, ибодатларга тааллуқли бўлган ишлар, унга қўшимчалар қилиш ёки баъзи ўзгартиришлар киритиш масаласига келсак. Улардан, очиқдан-очиқ бидъат эканлиги маълум бўлганлардан ташқарилари, яна ўша “тахқийқул манот”га оид бўлган ижтиҳодлар доирасига дохил бўладиганлари ҳам бор. Бу масалалардаги “тахқийқул манот” борасида салафнинг раъй ва ижтиҳодлари турлича бўлган ва улар замонасида бу тарз ижтиҳодлар кўплаб содир бўлган.

Бу туркумдаги амаллардан бири, Усмон р.а нинг жумъа куни пешин вақти учун Завродаги ҳовлиларида айтилган азонни янги пайдо қилишлари эди. Масжид эшиги ёнида, хатийб минбарга кўтарилиш пайтида айтиладиган азон, Мадина шаҳри кенгайгач, атрофга эшитилмай қолди. Ана шу сабабли Усмон р.а ижтиҳод қилдилар ва раъйларига биноан мана шу азон янги пайдо қилинди. Бизга етиб келишича, ҳеч ким бунга эътироз билдирмади.

Шу туркумга оид амаллардан бирини яна Усмон р.а замонларида содир бўлганлигини кўраемиз. Усмон р.а халифалик замонларида, Хуросон фатҳ бўлгач, Абдуллоҳ ибн Омир: “Албатта бу- Аллоҳ тарафидан бўлган

нусратдир. Бунинг учун мен Унга шукр келтирмоғим лозим. Мен мана шу ўрнимдан эҳром боғлаган ҳолда (ҳаж сафарига) чиқмоқни Аллоҳга бўлган шукрим маъносида кўраман.”, деди ва Хуросонга Аҳнаф ибн Қайсни ўринбосар қилиб қолдириб Нишопурдан эҳром боғлади. У умра амалини адо қилиб бўлгач, Усмон р.а ҳузурларига келди. Шунда Усмон р.а унга: “Сен Нишопурдан эҳром боғлаган чоғингда умрангни бузиб қўйдинг.”

дедилар[10]”. Усмон р.а раъйларига кўра, умра ёки ҳаж қилгувчи кишининг белгиланган жойга етмасдан олдин эҳром боғлашлигини кераксиз ва савобсиз бидъат амалдан саналади. Кўплаб саҳобалар эса, бунга муҳолиф чиққанлар.

Алий р.а нинг косибнинг зомин бўлиши (тўлаб бериши) ҳақидаги раъйлари ҳам мана шу турдаги амаллардан ҳисобланади. Алий р.а, буюртма олган косиб ўша буюртма олган молини бузиб қўйса, унга зомин бўлиши ҳақида: “Инсонларни фақат шу (зоминлик) ислоҳ қилади.”, деганлар. Бу масалада ҳам кўплаб саҳобалар муҳолиф чиққанлар. Одатда одамлар косибларга буюртма бериб эҳтиёжлари учун турли нарсалар ясатадилар. Кўпинча ўша буюртма берилган буюм буюртма берилаётган пайтда ҳали тайёр бўлмайти. Ундан ташқари ўша косиблар орасида баъзиларининг омонатдорлиги ва ўша буюмни қай сифатда тайёрлаши масаласида ноаниқликлар мавжуд эди. Яна айримлари буюртма берилган нарсани сақлашда бепарволикка йўл қўяр эдилар. Халқнинг эса буюртма беришдан бошқа чоралари йўқ эди. Одамларнинг мана шу эҳтиёжини қондиришнинг ягона йўли, Алий р.а наздларида, косибдан ўша буюм учун кафолат талаб қилиш эди. Борди-ю косибдан ўша кафолат талаб қилинмаса, ҳолат икки йўлдан бири билан тугаши аниқ эди. Биринчи йўлга кўра, буюртма бериш деган муомалани тамоман тўхтатиш лозим. Иккинчи йўлга биноан, буюртмалар берилаверади, аммо кафолат йўқлиги сабабли, косиблар орасида ёлғончилик, ҳийлакорлик ва одамлар молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириш каби ишлар авж олиб кетади. Бу икки муаммодан қутулиш ягона чораси, Алий р.а айтганларидек, косибдан кафолат олиш эди. Саҳобалар ва тобеъийлардан кўплари бу мазҳабга рози бўлмадилар. Уларнинг бундай ижтиҳод қилишларининг сабаби, бундай кафолатнинг Расулуллоҳ с.а.в замонларида бўлмаганлиги эди[11].

Саҳобалар ва тобеъийлар фикҳини диққат билан ўрганиб чиққан киши улар орасида содир бўлган кўплаб ихтилофларга рўбару келади. Ҳа

албатта, улар салафлар эди, буни унутмаслик лозим. Аммо ихтилоф қилган тарафлардан ҳеч қайси бири иккинчисини бидъатчилик ёки залолат билан инкор этмади. Уларнинг бу тарздаги турлича ихтилофларга киришлари, ўша масалаларнинг бир неча жиҳатдан ўзаро боғлиқ эканлигидан эди. Салафлар тарафидан содир бўлган ихтилофлар Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ с.а.в суннатларига амал доираси ичида воқеъ бўлган. Қуръон ва суннатга амалнинг миқёси ва мезони эса, биз юқорида таништириб ўтган, уммат яқдиллик билан Китоб ва суннатни тўғри тушуниш борасида ҳакам санаган ўша манҳажга риоя қилишлиқдир.

Ибн Таймийя р.а нинг илми калом ҳақидаги қарашларига бир назар[12]

Иккинчи асос ҳақидаги сўзларимизни ниҳоялашдан аввал, китобхон билан бирга, ибн Таймийя р.а тарафларидан ворид бўлган, мана шу асосга алоқадор бўлган, айрим ажойиб каломлар ва беқарорликларга тўхталиб ўтсак.

Ибн Таймийя р.а калом илми хусусида, уни ўрганиш, у билан шуғулланиш ва Исломиё ақийдавий масалаларда у билан ҳужжат келтириш ҳукми ҳақида анча узун баҳс юритганлар. Ва бу баҳснинг сўнгида ибн Таймийя р.а, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, агар киши фосид далиллардан фойдаланишни қасд қилмаса ёки ботиний гап-сўзларга асосланмаса бу илм билан шуғулланиш бидъат эмас, шу нуқтаи назардан Исломиё Ақийда мудофааси учун калом илмига таянишлик ҳам ҳаром саналмайди, деган хулосага келганлар. У кишининг наздларида, эҳтиёж тақозо қилган пайтларда бошқалар истилоҳидан фойдаланишнинг ҳеч қандай зарари йўқдир. Бу ҳақида Ибн Таймийя р.а: “маънолар саҳиҳ бўлиб, бунга эҳтиёж тушиб турган бўлса, истилоҳ эгаларининг истилоҳлари ва луғатлари ёрдамида, улар билан сўзлашиш макруҳ эмасдир. Бу худди рум, форс ва турклардан бўлган ажам билан уларнинг тили ҳамда урфлари асосида сўзлашиш (мумкин бўлганига) ўхшайди. Албатта, бу эҳтиёж учун бўлса, чиройли саналган жоиз ишдир. Имомлар бундай (амални), унга эҳтиёж сезилмаган чоғларда, қариқ кўрганлар...”, деганлар.

Бошқа ўринда ибн Таймийя р.а яна: “салафлар ва имомлар калом (илми)ни, унда “жавҳар”, “араз” ва “жисм” лафзлари каби янги пайдо бўлган истилоҳлар бўлганлиги учунгина қариб кўрган эмаслар. Балки (уларнинг бу илми қариб кўришлари сабаби), бу лафзлар нафий ва исбот қилишда муҳим маъноларни ўз ичига олганлиги сабабли, ана шу иборалар билан таъбир қилинаётган маъноларда, гоҳида далиллар ва ҳукмларда, ундан тийилиш лозим бўлган мазмун ботиллар бўлиб қолиши мумкин эканлигидир...”, дейдилар.

“Ибн Таймийя фатволари мажмуаси”; 3-жузъ; 306-307 саҳифаларда юқоридагилар билан бирга қуйидагилар ҳам келтирилади.

“уларнинг мана бу иборалар мисолидагилар билан қасд қиладиган маънолар аниқ билинса, (ўша маънолар) Китоб ва Суннат (тарозусида) тартиб кўрилса, яъни (улардаги маънолар) Китоб ва Суннат исбот қилган ҳақиқатни исбот қилса, Китоб ва Суннат нафий қилган ботилни нафий қилса, у ҳолда бу нарса ҳақ ҳисобланади.”

Бунга қўшимча қилиб мен ҳам: “илми калом билан шуғулланувчи Аҳли Сунна вал жамоага мансуб бўлмиш ҳозирги-ю қадимги барча кишилар ҳудди мана шу нарсага иттифоқ қилганлар. Зеро, улардан ҳеч қайси бири фалсафа ва юнон мантиқининг мазмунларини ўзларига асос қилиб олмаганлар. Аммо, омма орасида ана ўшаларнинг истилоҳ ва миқёслари кенг тарқалган асрларда илми калом билан шуғулланувчилар ўшаларнинг истилоҳлари ва лафзий миқёсларини қўллашдан бошқа имкон топмадилар. Фақатгина, мўътазила, жаҳмий ва уларга ўхшаган анавиларнинг фитнасига тушиб қолган кимсаларгина ўша истилоҳлар мазмунлари фитнасига қурбон бўлдилар.

Файласуфлар истилоҳи ва фикрий қарашлари билан яқиндан танишиб чиққан олимлар сирасига Имом Ғаззолий р.а ни мисол қилиб келтирса бўлади. Имом Ғаззолий уларнинг истилоҳларини икки мақсадда ишлатдилар. Биринчи мақсад: Аллоҳнинг китоби ва расули суннати орқали ворид бўлган ҳақиқат баёни. Иккинчи мақсад: файласуфларнинг кўплаб

фикр ва тушунчаларига аралашиб-қоришиб кетган ботил баёни. Имом Ғаззолий р.а мусулмон олимларини файласуфлар қоидалари ва истилоҳлари билан танишиб чиқишга чақирдилар. Бундан мақсад, токи мусулмонлар, ана ўша файласуфларнинг ташқариси ялтироқ истилоҳлари ортига яширинган нуқсонлардан огоҳ бўлсинлар. Улар, мўътазила ва улар ортидан кетган кимсалар каби, фалсафанинг таши ялтироқ, ичи қалтироқ сохта гўзалликларига алданиб қолмасинлар.

Аммо ибн Таймийя р.а, имом Ғаззолий р.а ни ўша истилоҳ ва миқёсларга шўнғиб кетишда айблаш йўлига мойиллик билдирдилар. Аслида, Ибн Таймийя р.а ўзларининг Қуръон ва суннатда келган ҳақиқат таҳқиқи учун калом илми билан шуғулланиш мабрур амал, бу ишда ҳеч қандай зарар ва моненьлик йўқ эканлиги ҳақидаги сўзларидан келиб чиқадиган бўлсак, имом Ғаззолий р.а га ташаккур айтишлари лозим эди. Аммо у киши бунинг ўрнига имом Ғаззолийни кўпинча маломат қилдилар[13].

Ибн Таймийя р.а мантиқ, унинг миқёслари ва истилоҳларига қарши ҳужум қилишда қаттиқ эҳтиросларга берилиб кетдилар. Ҳолат шу даражага бориб етдики, бу эҳтирос “ғайрати”, ҳатто ўзлари “ҳақиқат баёни йўлида илми калом билан шуғулланиш ва мантиқ истилоҳлари ва услубларидан истифода қилиш жоиз” дея берган қарорларини ҳам унутдириб қўйди. Энди у аввалги сўзларига зид ўлароқ, “калом аҳлидан бўлмиш тадқиқотчилар таянадиган ақлий далиллар, у билан шуғулланиш кераксиз ва беҳуда бўлган нарсалардир. Зеро, Қуръон ундан беҳожат қиладиган нарсалар билан келиб бўлган” қарорини бера бошлади.

Ушбу сўзларга мисол сифатида, Ибн Таймийя р.а нинг “ал-Родду ала Мантиқийийн” китобидаги қуйидаги жумлаларни келтириб ўтмоқчимиз. Китобда шундай дейилади: “Бас, маълум бўлишича, калом ва фалсафа аҳлидан бўлмиш тадқиқотчилар ҳузурида Илоҳий матлаблар хусусида ақлий далиллар мавжуд. Аммо Қуръони карим эса (шундай) ҳақиқат билан келдики, у анави (фалсафа ва мантиқ билан шуғулланувчилар) ҳузурида мавжуд бўлган кўплаб ғалатиликлардан муназзаҳ бўлиш билан бирга, (фалсафа ва мантиқ илмидаги ақлий далиллардан) кўра ўта чиройли бир тарзда балоғатлироқ ва мукамалроқдир. Шунинг учун ҳам Абу Абдуллоҳ

ал-Розий умри сўнгида, ўзининг “Ақсом ал-Зот” китобида: “Мен каломий тариқатлар ва фалсафий манҳажларни яхшилаб тааммул билан ўрганиб чиқдим. Ва натижада, уларнинг хасталикка шифо бўлганини, чанқоқликни кетказганини кўрмадим. (манзилга олиб борувчи) йўлларнинг энг яқини Қуръон йўли эканлигини кўрдим”, дедилар.

Ибн Таймийя р.а сўзларидаги бу каби беқарорликлар, у кишининг китобларини сабрсизларча ёки шунчаки юзаки ўқийдиган кўплаб китобхонлар зеҳниятида ҳам ўз аксини топган. Бундай китобхонлар, ҳужжат ва далил сифатида, у киши тарафларидан, у кишининг калом илми билан шуғулланишни инкор қилганликлари, ундан йироқ бўлишга чақирганликлари, ҳамда бу илм билан шуғулланганлар ва китоб таълиф қилганларни ақли пастликда айблаганликларини ривоят қиладилар. Аслида эса, Ибн Таймийя р.а тамоман бунинг аксига қарор берганлар. Балки у, ўзининг фатволар мажмуаси китоби 3-жузъида фалсафий миқёсларга биноан каломий баҳсларга шўнғиганлар. Шўнғиганда ҳам шундай шўнғиганларки, “салафийлар” ҳар куни уларга ҳақоратомуз ҳужумлар уюштирадиган, уларни бидъатчиликда айблаётган ўша калом илми устунларидан ҳам анча олдинга ўтиб кетдилар. Ибн Таймийя р.а ўша китобда “вужуд ва мавжуд” орасидаги алоқа (яъни, фалсафадаги “пантеизм” ва “монизм” каби тушунчалар) ва бандадаги Аллоҳнинг салуҳий ва танжийзий қудрати (яъни, содир бўладиган жараёнлар барчаси Аллоҳнинг қудрати ва илми билан бўлишлиги жиҳатидан азалий, аммо амалга ошиш жиҳатидан азалий эмас эканлиги); Аллоҳнинг қудрати феъллари содир этилган чоғдагина топиладими ёки ундан олдин ҳам мавжуд бўлганми; инсон қазо ва қадарга нисбатан мажбурийми ёки ихтиёрийми; “маҳлуқларнинг тур жиҳатидан қадимлиги ва жузъ жиҳатидан эса янги пайдо бўлишлиги” каби масалалар ҳақида сўз юритганлар. Ибн Таймийя р.а бу каби мавзуларда шунчаки баҳс юритмаганлар. Балки бу баҳслар давомида Ибн Таймийя р.а, ўзи айтиб ўтган ва уни бир неча муносабатлар билан такрорлаган иқрорлар тақозоси бўлган Ислом ақийдаси баёни хусусидаги Қуръон манҳажини ва йўлидан анча четга чиқиб кетганлар.

Ибн Таймийя р.а нинг калом илми ва масалаларига бу қадар шўнғиши, унинг ҳақнинг таҳқиқи ва ботилнинг йўқ қилиниши учун бу илм билан шуғулланиш жоиз эканлигини ўз ичига олувчи қарорлари билан тамоман

мувофиқ келишлиги шубҳасиздир. У кишининг калом илми билан қай мақсадларда шуғулланиш жоиз эканлиги ҳақидага берган қарорларини биз юқорида келтириб ўтдик. Айти мана шу ишлари, яна ҳудди ўша Ибн Таймийя р.а нинг ўзи турли ўринларда, турли муносабатлар билан калом илми билан мантиқ услублари ва фалсафа тушунчаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланувчиларни қаттиқ ва ғаройиб тарзда танқид остига олишлари билан сира ҳам мувофиқ келмайди. Ваҳоланки, аҳли сунна вал жамоа доирасига кирувчи уламолар ичида, Ибн Таймийя р.а дан кўра кўпроқ мантиқ ва фалсафа қоидалари ва истилоҳлари билан калом баҳсларига киришган олимлар камдан кам учрайди.

Ибн Таймийя р.а мантиқ ва фалсафа илмларига қарши кўп гаплар айтади. Ишнинг сўнгида, кўплаб муносабатлар ва рисоаларда, узундан узун гап-сўзлар ортидан, энди бу илми ҳақорат қилиш ва ундан одамларни йироқ бўлишга ундашга, ва бунинг таъкиди маъносида бу илм билан шуғулланганларни, бу илмга эътибор берганларни қараши ва мунозараси бузуқ, илми ва баёнини таҳқиқ қилишда ўта ожиз кимсалар, дейишгача боради. Бир қанча ўринларда, бу илмга юз бурганларни ҳақорат қилишда меъёрдан анча ошириб юборади. Унинг калом илмини мазаммат қилишдаги мавқифларини чуқур ўрганиб чиқишга эҳтиёж йўқ. Зеро бу нарса маъруф ва машҳурдир.

Аммо бу ишдаги энг ҳайратланарли нарса шундаки, ибн Таймийя р.а калом илми ҳақида ўта ҳақоратомуз сўзлар сўзлайди. У калом илми ва аҳли каломни таҳқирлашдан сира тўхтамайди. Аммо ўзи эса, ўзининг юқоридаги муносабатларига қарамасдан, аллақачон фалсафий меъзонлар ва миқёслар билан олди-берди қилиш водийсига ғарқ бўлиб кетади, фалсафий қоида ва унинг тушунчалари билан муомала қилишда олис-олис масофаларга кетиб қолади.

Мен, ибн Таймийя р.а бу илмга ғарқ бўлган, дейиш билан у киши мантиқ ва фалсафа илмини қўллаб қувватловчи бўлган ёки бу илмларни танқид қилувчи бўлганлар демоқчи эмасман. Муҳим бўлган тарафи, ибн Таймийя р.а мантиқ ва фалсафа илмларини ўрганишга жиддий бел боғлаган эди. Шу сабабдан, мантиқ ва фалсафа илмлари соҳиби бўлган ибн Таймийя р.а

бу соҳа эгалари билан, бу борада ўта билимдонларча, ўта моҳирона муноқаша ва мубохаса қилганлар.

Ибн Таймийя р.а ушбу ишлардан сўнг қандай қилиб одамларга, худди унинг риоясига одамлар топшириб қўйилган волий ва васиятчи каби, умумий қилиб: “Мен сизлар учун ҳам фалсафа ва мантиқни ўрганиб қўйдим. Уларнинг миқёслари ва тушунчалари билан танишиб чиқдим. Ва билдимки, уларнинг кўпи ботил каломлар ва асоссиз сўзлардан иборат экан. Шунинг учун бу нарсалар таълимига вақт исроф қилманглар, кераксиз шаклда уларга эга бўлиш учун куч сарфламанглар. Зеро, сизларга бу илм билан шуғулланиш ҳаромдир ва ман қилингандир!”, дейиши мумкин.

Борингки, биз ибн Таймийя р.а ни, унда ундан кейин келадиган одамларга намуна бўлишига лойиқ қиладиган даражада сухандонлик, ўткир раъй ва Аллоҳ динида истиқомати мавжуд, деб билайлик. У ҳолда, одамларнинг унинг феълига иқтидо қилишлари, унинг ўша феълига зид бўлган сўзларига иқтидо қилишдан кўра хайрлироқ эмасми?!

Ибн Таймийя р.а танлаган услубдан зиёда Имом Ғаззолий р.а бошқа услубни танладилар. Уларнинг орасида асосан бир фарқ бор эди. Имом Ғаззолий р.а ўзига мубоҳ билган нарсани ўзгаларга ҳаром қилмади. Ибн Таймийя р.а эса, фалсафа дастурхони устига чордана қуриб ўтириб олиб, ундан истаганича тановул қилдилар. Фалсафа таомини лагани билан кўтариб олиб хоҳлаганича истеемол қилган ибн Таймийя р.а, айти вақтда атрофидагиларга бақир-чақир қилиб уларни мазкур дастурхондан қувиб солдилар. У одамларни, бу дастурхондаги таомлар эскирган, зарарли ва бефойда бўлганлиги учун ундан тотмасликка буюрар эдилар.

Имом Ғаззолий р.а ўзининг илмий муҳокама ва баҳсларида мантиқ ва фалсафа истилоҳларидан фойдаланди ва уларни бу баҳсларга керакли ўринларда қориштирди. Бу эса, ибн Таймийя р.а ҳам инкор қилмаган нарса эди. У бу нарсани нафақат инкор қилмаган, балки бизга ундан нақл қилинган наслардаги каби, бу нарсаларга ҳатто изн ҳам берган. Аммо ибн

Таймийя р.а нинг услубига келсак, файласуфларнинг асоссиз айрим қарашлари унинг устидан ғолиб келган ёки у ҳам ўша файласуфлар адашиб кетган қайсидир ботил водийларида оёқлари тойиб кетганлигини кўрамиз. Бас, бутун дунё унинг зиддига гувоҳлик берган ҳолат мана шудир. Балки бу нарсанинг зиддига ибн Таймийя р.а ўзи ҳам гувоҳлик берган.

Имом Ғаззолий р.а нинг хато, саҳв ва унутишлиги жоиз бўлган бир башар туркумидан эканлиги маълумдир. Аммо бундан қатъий назар, фалсафа тарихи, у каби, фалсафий гумонларни ўша фалсафий миқёслар қуролларининг ўзи ёрдамида парчалаб ташлаган, Аллоҳ азза ва жалла Китоби далолат қилган ҳақиқатга ўша фалсафа истилоҳлари ёрдамида ғалаба келтирган бирон кишини танимади.

Таажжубланарли яна бошқа бир жиҳат шундаки- фалсафа гумонлари ва лойларидан эҳтиёт бўлишни такрор-такрор айтиб турган ибн Таймийя р.а нинг ўзи ҳудди ўша нарсалардан нажот топмаслигидир. У бошқаларни ундан огоҳлантириб келган ўша фалсафа балчиқлари у кишининг ўзига ҳам сачраб кетган. Сачраганда ҳам энг ноҳушлари сачраган. Бу ҳолат билан бир вақтнинг ўзида у фалсафани асос қилиб олмади, унинг асос бўлмаслигига қатъий илмий тадқиқотлар орқали эътиқод қилди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам, у бу борада беқарор одам каби қўнимсиз юраверди. У, бир муаммога тушиб қолган ва ундан қутулиш йўлини тополмасдан ҳайрат водийсида кезиб юрган киши каби, сўзларида ўзига ўзи қарши чиқаверди.

Мен, фалсафа ва унинг касаллигидан ибн Таймийя р.а ўзига ҳам юқиб ўтган иккита масалани зикр қилиб ўтмоқчиман.

Биринчи масала: ибн Таймийя р.а нинг ибн Ҳазм р.а нинг “Маротиб ал-Ижмоъ” китобига битган таълиқотида келган нарсалар борасида. Ибн Таймийя р.а ушбу таълиқотни “Нақд Маротиб ал-Ижмоъ” деб номлаган. Ибн Таймийя р.а ибн Ҳазмнинг “Эътиқодий масалаларга доир ижмоълар” бобидаги “(Мусулмонлар), албатта, Аллоҳ азза ва жалланинг якка-ягона ва

Унинг шериксиз эканлиги; Ўзидан бошқа барча нарсаларнинг холиқи эканлиги; албатта, Аллоҳ таоло ягоналиги бардавом эканлиги ва (аввалда) У билан бирга Унинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ эканлиги ва сўнгра барча нарсаларни, ўзи хоҳлагандек, яратганлигига иттифоқ қилганлар” сўзига таълиқ битган. Ўша таълиқда шундай дейилади: “Мен айтаманки, : “Барча нарсаларнинг яратувчиси Аллоҳ таоло эканлигига аҳли сунна вал жамоа иттифоқ қилганлиги ҳақдир. Ва лекин, улар бунга мухолиф чиққан кимсанинг кофир бўлиши ҳақида иттифоқ қилмаганлар. Зеро, “ҳайвонлар феълларини Аллоҳ яратмаган”, дегувчи “қадарийлар”ни, саҳобалар асри охирларида “қадарийлик” пайдо бўлган даврдан бошлаб токи бу тарихгача, зикр қилиб ўтиш имконияти жуд ҳам кўпдир”. Бу сўзлар ортидан ибн Таймийя р.а яна: “ (Ибн Ҳазмнинг) “албатта, Аллоҳ таоло ягоналиги бардавом эканлиги ва У билан бирга Унинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ эканлиги ва сўнгра барча нарсаларни, ўзи хоҳлагандек, яратганлигига” қарши чиққан кимсанинг кофир бўлиши ҳақидаги ижмоъни ҳикоя қилиши бундан ҳам ажабланарлироқдир. Маълумки, ушбу ибора Аллоҳнинг китобида ҳам йўқ, ва у Расулуллоҳ с.а.в га ҳам нисбат берилмайди. Балки, ул зот с.а.в тарафларидан “Саҳиҳ”да (ворид бўлгани) Имрон ибн Ҳусойн р.а орқали Набий с.а.в дан қилинган: “Аллоҳ (доимий) бўлган эди, ваҳоланки Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди. Унинг арши сув узра эди. Зикрда барча нарсани битиб қўйди ҳамда осмонлар ва ерни яратди”, бошқа лафзда “сўнгра осмонлар ва ерни яратди” ривоятидир. (“Саҳиҳул Бухорийда ушбу ҳадис уч хил лафз билан ривоят қилинган. (Бир ривоятда) “Аллоҳ (доимий) бўлган эди, ваҳоланки Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди”, дейилса, бошқасида “ваҳоланки Ундан ўзга нарса йўқ эди”, дейилади. Учинчи ривоятда эса, “У билан бирга бирон нарса йўқ эди” дейилади. Ваҳоланки қисса биттадир. Демак, Набий с.а.в мана шу лафзлардан бирини айтганликлари маълум. Қолган иккиси эса, маъно жиҳатидан ривоят қилинган. У ҳолда (қиссага) муносиб бўладигани бошқа саҳиҳ ҳадисда собит бўлган “Сен аввалсан, сендан олдин ҳеч нарса йўқ. Ва Сен охирсан, сендан кейин ҳеч нарса йўқ...” лафзидир. Зеро Пайғамбар с.а.в дуоларида ҳудди шундай дер эдилар. Набий с.а.в нинг ушбу дуоларидаги “Сен аввалсан, сендан олдин ҳеч нарса йўқ” сўзлари ул зотнинг “Аллоҳ (доимий) бўлган эди, ваҳоланки Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди” сўзларига муносиб келади.”, дейди.

Сўзини давом этдирган ибн Таймийя р.а: “Бу ўринда, баъзи инсонлар ижмоъдан деб ўйлаётган нарсаларга қарши сўз юритмоқ қасд

қилингандир. Бас, ушбу лафз Аллоҳнинг китобида йўқдир. Бу ҳадис, гарчи ўша зикр қилинган мавзуга доир бўлса ҳам, аммо у мутавотир эмас. Қанчадан қанча саҳиҳ ҳадислар борки, уларнинг маънолари ҳақида кўплаб тортишувлар мавжуд. Бас, у қандай қилиб (ижмоъ қилинган бўлсин), ваҳоланки ҳадиснинг мақсуди зикр қилинганидан бошқадир. Биз ушбу иборанинг на саҳобалар, ва на тоъбъейнлар ва на мусулмонлар имомлари тарафидан (айтилганлигини) билмаймиз. Бас шундай экан, қандай қилиб бу борада ижмоъ даъво қилиниши мумкин. (Ибн Ҳазм) бу нарсага муҳолиф чиққан кимсаларнинг кофир саналиши ҳақида ижмоъни даъво қилмоқда. Аммо (барчага) маълум бўлган ижмоъ қилинган нарса эса, Аллоҳ Қуръонда баён қилган, уммат билган нарсадир. Яъни, ҳудди Қуръонда бу ҳақида бир неча ўринларда хабар берилганидек, Аллоҳ осмонлару ер ва улар орасидаги нарсаларни олти кеча-кундузда яратганлигидир. Бас, қачонки даъво қилувчи (киши) бу нарса(нинг ҳақ эканлигига) ва унга муҳолиф чиққан кимсани эса кофирга чиқазилишига ижмоъ (қилинганлигини) даъво қилса унинг (бу) сўзи ноҳолис бўлади. Аллоҳнинг осмонлару ер ва улар иккиси орасидаги нарсаларни олти кеча-кундузда яратганлиги ҳақидаги хабарида у иккисидан олдин (ўзга) яратилмиш махлуқ бор эканлигини йўққа чиқазадиган нарса йўқдир. Ҳудди шунинг каби, Аллоҳ таоло, ўзининг инсон ва жинни яратганлигини; инсонни бир моддадан, яъни сополга ўхшаган қуриган лойдан, жинни ўт-алангадан яратганлиги ҳақидаги хабарда айтилганидек, бу хабар ҳам Аллоҳ таоло бу иккисини улардан илгари мавжуд бўлган моддадан яратганлигини инкор қилувчи ҳеч нарса йўқдир. Бас, (бу) қанақаси, ахир, Китоб, Суннат ва тортишув бўлганлиги маълум бўлмаган салафнинг ижмоъсида, Аллоҳнинг осмонлару ер ва у икки орасидаги нарсаларни олти кеча-кундузда яратганлиги, ваҳоланки бундан олдин сув узра Унинг арши бўлганлиги собит-ку. Демак, арш бу воқеадан илгари мавжуд экан; бундан олдин сув ҳам бор бўлган экан.[14]”

Юқоридаги сўзлар, Ибн Таймийя р.а нинг ибн Ҳазм р.а ижмоъ қилинган дея келтирган, “Аллоҳ таоло ягона ва танҳоликда тўхтамади; У билан бирга ҳеч нарса йўқ эди; сўнгра, У ўзи хоҳлаганидек, барча нарсаларни яратди”, деган ақидага нисбатан инкор ва таълийқи маъносида айтган сўзлари эди.

Юқоридаги сўзлар оритдан ибн Таймийя р.а калом уламолари ва файласуфлардан баъзи тоифаларнинг бу масала хусусида иқдор қилган

мазкур қарашларини тасдиқлаш ва баён қилиш учун узун баҳс юритадилар. Файласуфларда муқаррар бўлган нарса шулки, нарсалар жузъийлик ва аниқ бир борлиқ эканлигига кўра янги пайдо бўлган, аммо тури ва бир-биридан пайдо бўлиш силсиласига кўра эса қадимдир. У ўзининг бу қарашларини таъкидлаб: “ва лекин муайян бир нарсанинг пайдо бўлиши билан нарсаларнинг бирин кетин пайдо бўлишининг фарқи бор”, дейди. Яъни, у кишининг таъбирига биноан, муайян бирон нарса аввалдан бўлмаган нарса бўлиб у янги пайдо бўлгувчидир. Аммо ҳодисаларнинг эволюцион бирин кетин жараёни жиҳатидан нарсалар қадим ва давомлидир.

Ибн Тамийя р.а ибн Ҳазм р.а нинг “(Мусулмонлар), албатта, Аллоҳ аzza ва жалланинг якка-ягона ва Унинг шериксиз эканлиги; Ўзидан бошқа барча нарсаларнинг холиқи эканлиги; албатта, Аллоҳ таоло ягоналиги бардавом эканлиги ва (аввалда) У билан бирга Унинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ эканлиги ва сўнгра барча нарсаларни, ўзи хоҳлагандек, яратганлигига иттифоқ қилганлар” дея нақл қилган ижмоъларига узундан узун раддия берганлар. У кишининг ана шу узундан узун раддияларидан воқиф бўлган одам, унинг мазкур гаплар асносида иккита ажойиб тушунмовчилик ва мубҳамликка кириб қолганлигига шоҳид бўлади. Сиз, салафи солиҳлар ўзлари яшаб ўтган уч асрда, ҳам шаклан, ҳам мазмунан бундай фалсафий можаролардан Аллоҳга сиғинган фалсафий можароларга, ибн Таймийя р.а ни кириб қолишга нима ундаганлиги билмайсиз. Ваҳоланки Ибн Таймийя р.а нинг ўзи ҳам доимо бизни фалсафа залолатлари ва бидъатларидан узоқ туриш ва ҳар қачон Китоб ва Суннат насларини мустаҳкам ушлашга тавсия қилганлар.

Айрим ижтиҳодий мавқифлардагина унга қарши чиққан рақибларини қўрқмай кофир санайверган Ибн Таймийя р.а нинг наздларида, “барча нарсанинг яратувчиси ягона Аллоҳгина эмас” деб эътиқод қилган кимсанинг кофир бўлиб қолишига салаф ҳамда аҳли суннат вал жамоатнинг ижмоъси йўқ экан. Уларнинг бу борадаги ижмоълари йўқ эканлигига ибн Таймийя р.а нинг далили-ибн Таймийя р.а нинг ўз сўзига кўра- “қадарийлар” “ҳайвонлар феълларини Аллоҳ яратган эмас” дея эътиқод қилганликларидир.

Бунга жавобан мен: “аксинча, диндан эканлигини билиш зарурий бўлган масалаларни инкор қилиш, мусулмонлар ижмоъсига биноан, куфрга чиқазувчи нарса эканлигини биз қатъий ишонч билан биламиз. Аллоҳ таолонинг

[15] شَرُّكُمْ قُلُوبًا لِّلَّهِ

“Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир” сўзини куллий ёки жузъий инкор қилиш, диндан эканлиги маъруф бўлган зарурий масалани инкор қилиш саналиши шубҳасиздир” дейман.

Қадарийларми, ёки улардан бошқа қайси гуруҳ бўлишдан қатъий назар, Аллоҳдан ўзга биронтасини яратувчи деб билса ва уни Аллоҳнинг мададисиз, мустақил ўз қудрати билан бирон нарсани йўқдан бор қилди, деб эътиқод қилса, у шубҳа ва ихтилофсиз кофирдир.

Фақатгина, мен бугунгача қадарийларнинг “хайвонлар феълларини Аллоҳ яратмаган” деб эътиқод қилишларини на эшитдим, ва на кўрдим. Мана, бизнинг ҳузуримизда фирқалар, оқимлар ва йўналишлар ҳақидаги китоблар мавжуд. Аммо уларнинг ҳеч қайси бирида бу каби нақлни учратмадим. Сўнгра кўрсамки, мендан аввалроқ ушбу ғаройиб нақл ва унинг асли ҳақидаги баҳсни аллома, муҳаққиқ, шайх Муҳаммад Зоҳид Кавсарий р.а ҳазратлари қилиб, бу ҳақида таълиқ ҳам битган эканлар. Таълийқда: “Биз қадарийларнинг, ўз китобларида бу ҳақида очиқ гапирган ва бу гапдан бошқа нарсага мажбурлайдиганларини кўрмадик.” дейдилар.

“Албатта, Аллоҳ барча нарсанинг (ҳам) яратувчиси эмасдир” дегувчи кимсанинг кофир бўлишлигига, ибн Таймийя р.а қатъий далил йўқ, деб биладилар. Хўш, у ҳолда бу сўзни қандай тушуниш мумкин?

Бу сўз иккита тафсирдан бошқа тафсирни қабул қилолмайди.

Биринчиси: Аллоҳнинг шериги борки, у ушбу коинотдаги айрим мавжудотни яратган. Яратишлик, умумий маънода, Аллоҳнинг ўзигагина эмас, балки уларнинг иккалаларига мансубдир.

Иккинчиси: мавжудот ичида шундайлари борки, унга яратиш қўли асло етмаган. Улар, Аллоҳ таолонинг қадиймлиги каби, қадиймдирлар. Шунинг учун ҳам, улар ҳақида “Албатта, Аллоҳ барча нарсанинг (ҳам) яратувчиси эмасдир” таъбири қўлланади.

Мана шу ҳар иккала тафсир ҳам, кишини куфр ёки ширк маъноларининг энг хунук жиҳатларига олиб боришини исбот талаб қилмайдиган даражада билмайдиган бирон мусулмон бўлиши мумкинми?! Ахир, ақидага оид бўлган Қуръон наслари, шу каби сўзларни сўзловчиларни кофирга чиқазиш ҳамда бундай сўзлардан диққатли бўлишга ундаш учун нозил бўлмадими?! Булардан ташқари, ибн Таймийя р.а фатволарида тадвин қилинган нарсалар билан танишиб чиқинг. Худди ана шу фатволар мажмуасида, ибн Таймийя р.а ушбу гумонлар ортидан кетган кимсаларни кофирга чиқазиш ҳукмини такрор такрор тилга олганлигини кўрасиз. Ҳар қандай муносабатда ҳам, ҳар қандай кўринишда ҳам, ибн Таймийя ўз сўзларига ўзлари зид гапирмоқдалар. Инша Аллоҳ, бироз кейин ана шу наслардан баъзиларини келтириб ўтамыз.

Сўзини давом этдирган ибн Таймийя р.а: “(Ибн Ҳазмнинг) “албатта, Аллоҳ таоло ягоналиги бардавом эканлиги ва У билан бирга Унинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ эканлиги ва сўнгра барча нарсаларни, ўзи хоҳлагандек, яратганлигига” қарши чиққан кимсанинг кофир бўлиши ҳақидаги ижмоъни ҳикоя қилиши бундан ҳам ажабланарлироқдир. Маълумки, ушбу ибора Аллоҳнинг китобида ҳам йўқ, ва у Расулуллоҳ с.а.в га ҳам нисбат берилмайди” дейди.

Ибн Таймийя р.а нинг ушбу сўзига жавобан, мен: “ибн Ҳазмнинг юқоридаги сўзларни мусулмон уламоларидан нақл қилишлари таажжубланарли эмас.

Зеро бу масала, диндан эканлиги билиниши зарурий бўлган масалалардандир. Аксинча, ҳақиқий таажжубга сабаб бўладиган нарса, фалсафа ва файласуфларни ақли пастликда айблаб юрган, доимо ўзини салафга мансубликда ва уларнинг йўлида юришликда, фалсафадан узоқликни даъво қилиб келган ибн Таймийя р.а нинг ўзига фалсафа лойларидан тегиб кетишлигидир. У кишига, фалсафа лойлари нафақат сачраб кетди, балки унинг ўзи уларнинг “асосий навларнинг қадимлиги, жузъий муайян нарсаларнинг эса янги пайдо бўлганлиги” ҳақидаги раъйларини шахсан мудофаа қила бошладилар.

Файласуфларнинг ушбу раъйлари мудофааси учун, ибн Таймийя р.а “албатта, Аллоҳ таоло ягоналиги бардавом эканлиги ва У билан бирга Унинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ эканлиги ва сўнгра барча нарсаларни, ўзи хоҳлагандек, яратганлигига” қарши чиққан кимсанинг кофир бўлишлигига ижмоъ йўқдир, дея эълон қила бошлади. Яъни, ибн Таймийя р.а бу сўзлари билан: “бизнинг, коинотнинг илк моддалари қадимдир, улар янги пайдо бўлган эмас. Ўша илк моддалар қадимликда Аллоҳ таоло билан зотий шерикдирлар, дея иқрор қилмоқлигимизда ҳараж йўқдир” демоқчилар.

Бундан-да таажжубланарли ва ғаройиби, ўша гапларни айтган кимсани кофир санаш ҳақида, ибн Таймийя р.а, бу ҳақида Аллоҳнинг китоби ва Расулulloҳ с.а.в суннатларида очиқ далил йўқ, дейишларидир.

У ҳолда, Аллоҳ аzza ва жалланинг Раъд сураси; 16-оятдаги **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ** “Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир” сўзининг маъноси қандоқ бўлади?! Юнонлилар ва иллюминатлар каби ҳар иккала файласуфлар гуруҳи тасавурига биноан, нарсалар ундан пайдо бўладиган деб билладиган моддалар ҳам ўзларининг навъ эътиборларига кўра, умумий барча нарсалар туркумига дохил бўлишлигини сиз яхши биласиз. Албатта, Аллоҳнинг холиқлиги ўзининг иродаси ва ихтиёри биландир, ниманингдир сабабияти, кимнингдир файзи ёки нимадандир чорасизлиги туфайли эмас. Демак, нарсалар бир биридан қанчалик олдин ёки кейин бўлишидан қатъий назар, барчаси янги пайдо бўлган ҳисобланади. Кўплаб баробар нарсалар орасидан, афзалини ажратиб берувчи нарса топилмагунга қадар, улардан ҳеч қайси бирига қадимлик сифатини бериш мумкин эмас. Ва бу

тарзда, улардан бири қолиб бошқасига қадимлик сифатини бериш ақл уни тан олмайдиган ботилдир.

Аллоҳ таолонинг Анкабут сураси 20-оятдаги

قَوْلِ الْإِنْسَانِ إِذْ قَالَ لَهُمُ ابْنُ الْإِنْسَانِ لِيُوعِذْ لَكُمْ يَوْمَ الْبَعْثِ أَنْ يَحْسَبُوا الْوَيْدَانَ إِذْ يَأْتِي السَّمَاءَ دُخَانًا مُغْتَمِبًا يُغْشَى السَّيِّئِينَ أَسْفَلَ بَعْثًا لِيُجْزَوْنَ

(“Сен: “Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар...””) сўзларининг маъноси нимадан иборат?! Биз, нарсаларнинг бошланиши унинг йўқликдан орқада эканлигини ифодалашини яхши биламиз. Агар бордию, модданинг асли Аллоҳнинг вужудияти билан бирга қадим вужудиятга эга бўлганда, у ҳолда унинг ибтидоси бўлмас эди, Аллоҳ таоло уни ўз муҳкам китобида бир неча маротаба такрорлаганидек, Аллоҳнинг унинг яратишини бошлаш, деб сифатламас эди. Ояти каримадаги “قَوْلِ الْإِنْسَانِ” (яратилмиш) калимаси умумий бўлиб, у инсон ва Ундан ўзга барча мавжудоту махлуқотни ўз ичига олади.

Бузғунчи файласуфларнинг ташқариси ялтироқ, аммо ичи пуч бўлган, “юқоридаги оят фақатгина инсон яратилиши ҳақида ҳикоя қилади”, деган сўзлари сизни алдаб қўямасин. Уларнинг фикрича, юқоридаги оят, диққатларни Аллоҳнинг инсонни лой, сўнгра унинг ачитилмаси, кейин эса кўза каби қуритилган лой ҳолатидаги яратиш кайфиятларига қаратмоқчи. Хўш, ҳолат улар айтаётгандек бўлса, яъни, эътиборларни қаратиш фақатгина инсоннинг яратилишига махсус бўладиган бўлса, у ҳолда ер юзида сайр қилишнинг нима кераги бор!? Инсоннинг яратилишини ўрганиб билиш учун ер юзида сайр қилиш шартми!? Аксинча, оят диққат эътиборларни умум коинот яратилиш қиссасига қаратмоқда.

Холиқ азза ва жалланинг Ҳадид сураси; 3-оятдаги

مِ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ دُخَانًا مُغْتَمِبًا يُغْشَى السَّيِّئِينَ أَسْفَلَ بَعْثًا لِيُجْزَوْنَ

(“У аввал ва охир, ошкор ва пинҳондир. Ва У ҳар бир нарсани билувчидир”) сўзларидаги Аллоҳ таолонинг **اَلْاَوَّلُ** (Аввал) исмининг маъноси қандай бўлади? Бизнинг орамизда, **اَوَّل** нинг исми тафзил эканлигини, ва у аслида **اِعْفَ** вазнидаги **اَوَّل** эканлигини билмайдиган киши бўлмаса керак. **اَلْاَوَّلُ** нинг тақдирий мазмуни “фалон нарсалардан аввалроқдир”, яъни, “борлик жиҳатидан фалон нарсадан илгарироқдир” бўлади. Исми тафзил қоидасига биноан таҳлил қиладиган бўлсак, Аллоҳ азза ва жалланинг **اَلْاَوَّلُ** исмига кўра, Аллоҳ улардан аввалроқ бўлган ўша нарсалар нималардир? Аллоҳ борлик жиҳатидан нималардан аввалроқ, деб эътиқод қилинади? Бирон мусулмон киши, “**اَلْاَوَّلُ** нинг тақдирий маъноси, У барча нарсалардан аввалроқдир; яъни, борлик жиҳатидан ҳамма нарсадан муқаддам” эканлигини билмаслиги мумкинми? Қайси мусулмон: “йўқ, **اَلْاَوَّلُ** нинг тақдирий маъноси “Аллоҳ баъзи нарсалардан аввалроқдир. Нрсаларнинг асли ва аввалги турлари бундан мустаснодир.” бўлади. Бас, шундай экан ўша нарсалар ҳам, Аллоҳнинг қадиймлиги каби, қадиймдир” деб айтишга журъат қила олади. Мана бу иккинчи қавл Аллоҳ таолога **اَلْاَوَّلُ** исми борасида ширк маъносини ифодалайди.

Сиз, юнон мантиқидаги “нарсалар муқоясаси”ни далил қилиб келтираётганларга қулоқ солманг. Улар: “Аллоҳнинг “Аввал” исми муҳмал (умум ёки жузъийликни аниқ билдирмайдиган) хабар ҳукмидадир. Бундай хабарлар эса, жузъийликка далолат қилувчи хабар ҳукмидадир. Бас, бу қоида эса, Аллоҳ азза ва жалланинг, борлик жиҳатидан, махлуқларининг кўпларидан илгарироқ эканлигини билдириб, Унинг барча нарсалардан аввалроқ бўлишини шарт қилмайди” деган сўз ўйинини қиладилар.

Ўйлаб кўринг, биз ибн Таймийя р.а нинг зеҳниятига ёпишиб қолган ушбу асоссиз гумонга қарши, ибн Таймийя р.а нинг ўзи бизга ўргатган манҳаж ёрдамида муноқаша қилмоғимиз ажабланарли эмасми?! Бизга манҳаж ўргатган ибн Таймийя р.а, ушбу масалада файласуфларнинг, энг хатарли гумроҳликларидан бири устига қурилган асоссиз гумонларини, улар билан бирга туриб мудофаа қилмоқдалар.

Биздаги таажжуб, ибн Таймийя р.а ўзини Аллоҳ аzza ва жалла китобидаги очик-равшан нассларни билмасликка солишлари ҳолатини кўргач, янада зиёда бўлади. У кишининг ҳатти-ҳаракатлари орасида, янада ғаройиб ҳолат мавжуд. Ибн Таймийя р.а юқоридаги мавзуга оид, Пайғамбаримиз с.а.в тарафларидан ворид бўлган, уч саҳиҳ ривоят орасида ўз раъйларига яқинроғини танлаш учун, уларни ўрганиб чиқишга беҳуда, керагидан ортиқ куч-ғайрат сарфлаганлар. Ва натийжада, улар орасидан ҳеч қайси бирини устун қўйишга эҳтиёж бўлмай туриб, ўша уч уривоятдан бирини қолган иккитасидан устун қўйиб, қолган иккаласига ноҳақ ва асоссиз жароҳатлар етказган. “Саҳийҳул Бухорий” нинг “Яратилмишнинг бошланиши” китобида “Аллоҳ (давомли) бор эди, ваҳоланки Ундан ўзга нарса йўқ эди” дейилади. Ҳудди шу китобда, Абу Муовия ривоятида “барча нарсдан олдин Аллоҳ таборака ва таоло (давомли) бор эди” дейилса, “Тавҳид” китобида “Аллоҳ (доимий) бор эди, Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди” дейилади. Дастлабки икки ривоят, “аввали бўлмаган янги пайдо бўлган нарсалар мавжуд” (яъни, тур жиҳатидан нарсалар қадим) дегувчи файласуфларга қарши аниқ-равшан далилдир. Ибн Таймийя р.а эса ушбу икки ривоятга жароҳат етказиб, учинчи ривоятни, яъни “Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди” ривоятини улардан устун қўймоқчи бўлди. Аслида ибн Таймийя р.а, усули фикҳ уламолари барчасига маълум бўлган, нассларни жамлаш қоидасини яхши билар эди. Бу қоидага кўра, насслар орасида зиддият пайдо бўлса-ю, улар орасини жамлаш имконсиз бўлгандагина таржийҳ қоидасига бош урилади. Модомики ривоятлар орасини жамлаш мумкин экан, аслида улар орасида зиддиятнинг ўзи йўқ, ўша ривоятларнинг барчасига бирдек мурожаат қилиш, улардан ҳеч қайси бирини амалсиз ташлаб қўймаслик, улардан бирини бошқасидан афзал кўрмаслик лозим. Мазкур уч ривоят бир-бирларига жуда мутаносиб, улар орасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Ҳақиқатан ҳам “Аллоҳ таоло (бардавом) бор эди, ваҳоланки У билан бирга ҳеч нарса йўқ эди; Ундан ўзга ҳеч нарса йўқ эди; Ундан олдин ҳеч нарса йўқ эди.” Модомики умумий маъно мавжуд экан, ривоятлардан бирини устун қўйиш, унга суяниб, бошқа икки ривоятни амалсиз ташлаб қўйишга, ибн Таймийя р.а ни ундаган нарса нима?! Мазкур усулий қоида борасида тортишув ва ихтилоф йўқ. Ибн Таймийя р.а дан зиёд бошқалар ҳам бу қоидани жуда яхши биладилар.

Ибн Таймийя р.а тасарруфларини мақтагувчи ва танқид қилгувчи гуруҳлар орасида, унинг фикрларини тўғрилаб туришда мўътадиллардан бўлган ибн Ҳажар р.а, ибн Таймийя р.а нинг айнан мана шу кераксиз тасарруфини

хунук санаган.

Ибн Ҳажар р.а ўзининг “Фатхул Борий” асарида шундай дейди: “Яратилмишнинг бошланиши” (китоби)да “ваҳоланки Ундан ўзга нарса йўқ эди”, Абу Муовия ривоятида “Аллоҳ барча нарсдан олдин (бардавом) бор эди” лафзлари (зикр қилиниб) ўтди. Бу, “У (бардавом) бор эди, У билан бирга (ҳеч) нарса йўқ эди” маъносида бўлиб, бу ушбу боб ривоятдан “яратилган нарсаларнинг аввали йўқ” дегувчиларга қарши аниқ ва равшан раддиядир. (Ҳудди) мана шу (даъво) ибн Таймийяга мансуб бўлган хунук саналадиган масалалардандир. Мен ибн Таймийянинг мазкур ҳадис атрофидаги сўзларини ўрганиб чиқдим. У бу бобдаги бошқа (ривоятлар)дан кўра мана шу ривоятни устун қўяди. Аслида эса, ривоятлар орасини жамлаш қоидаси ушбу ривоятни “Яратилмишнинг бошланиши” (китоби)даги бошқа (ривоятлар)га ҳамл қилишни тақозо қилар эди, бунинг аксини эмас.

Ваҳоланки, (уламолар) иттифоқига кўра, (ривоятлар орасини) жамлаш (улардан бирини бошқасидан) таржиҳ қилишдан муқаддам туради.[16]”

Ибн Таймийя р.а ни, бир қанча бир-бирини тўлдиручи ҳукмида бўлган ривоятлар ичидан бошқаларига муҳолиф бўлмаган “Ундан илгари (ҳеч) нарса йўқ эди” ривоятини ихтиёр қилишга нима ундаганлигини сиз яхши биласиз. Албатта, ибн Таймийя р.а нинг бу ихтиёри насслар тафсири борасида муттафақ бўлган қоидага зид эди. Биз ўша зиддиятни юқорида зикр қилиб ўтдик. Ибн Таймийя р.а, файласуфлар айтадиган “нарсалар бир-биридан давомий пайдо бўлиши жиҳатидан ниҳоясиздир” сўзларига қарши бирон сўз тополмади. У ўзича, бу мушкулотдан қутилиш чораси сифатида ўз таъбири билан айтганда “муайян нарсалар пайдо бўлиши билан нарсаларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши орасини ажратиш” йўлини танлади. У кишининг сўзларининг маъносига кўра, муайян нарсалар ҳақида қадим деб бўлмайди; аммо нарсалар умумий бирин-кетин пайдо бўлиши ҳақида эса, уларни Аллоҳ азза ва жалла билан бирга қадим, дейиш жоиз!

Ибн Таймийя р.а даъволари орасида энг ғаройиби “муайян, жузый нарсаларнинг янги пайдо бўлганлигини билган ҳолда нарсаларнинг навъ жиҳатидан қадимлигини айтган кимсанинг кофир бўлиши ҳақида ижмоль йўқдир” даъвосидир.

Дейлик-ки, Қуръони каримдан бўлган юқорида зикр қилинган оятлар ва ушбу саҳиҳ Набавий баёнлар бу масалани Исломий ақийда заруратларидан қилмайди. Мусулмон имом ва уламолари ҳам “модда ёки унинг аслий навъининг қадимлигига эътиқод қилган” кишининг кофир бўлишига ижмоль қилмадилар. У ҳолда, ўша уч сабаб нимадан иборат эдики, улар билан шуғулланган файласуфларнинг кофир бўлишларига мусулмон имомлари ижмоль қилдилар?

Юқоридаги гап-сўзларга қарамасдан, ибн Таймийя р.а нинг ўша ботил даъволарига қарши энг муносиб раддияни яна ўша ибн Таймийя р.а нинг ўзи беради! Ибн Таймийя р.а нинг ўзи, оламини (хоҳ умум навъ, хоҳ муайянлик жиҳатидан) қадим деган кишининг кофир бўлишини исбот қилади ҳамда бир қанча ўрин ва муносабатлар билан ўз рисоласи ва китобларида бу ҳақида ижмольни нақл қилади.

У ўзининг “Ал-Родду ала-Манотиқа” рисоласида, яратилмишларнинг аввалсиз бор эканлиги ҳақида сўзловчилар гапларини ботилга чиқазувчи далилларни бирин-кетин келтириб ўтади. Ва ундан сўнг “зеро (барча) пайғамбарлар Аллоҳдан ўзга барча нарсанинг аввал бўлмасдан сўнгра янги пайдо бўлган яратилмиш эканлигига; Аллоҳнинг қадимлиги ёнида У билан қадим бўлган бирон нарса йўқ эканлигига муттафақдирлар” дейди[17].

Шунингдек, у “истиво” ва Аллоҳнинг сифатларига доир баъзи оятлар ҳақидаги рисоаларидан бирида “сўнгра уларга қарата: “агар сизлар самолар ва ернинг қадим ҳамда доимийлиги хусусида сўзлайдиган бўлсаларингиз, (билиб қўйинглarki) бу куфрдир ва бу оламнинг қадимлиги хусусидаги сўздир...” дейилади” дейди[18].

Ахир, Ибн Таймийя р.а ўзи айтаётган сўз каби сўзни айтаётган ибн Ҳазм р.а ни айблаяпди-ку! Ибн Ҳазм р.а мусулмонлар тарафидан нақл қилган ижмоъ билан ибн Таймийя р.а омма пайғамбар ва расуллар с.а.в дан нақл қилаётган мувофақатнинг нима фарқи бор?!

Биз ибн Таймийя р.а нинг бу ўриндаги айтган сўзлари тақозоси билан бошқа ўринда “нарсалар навъларининг қадимлиги” хусусида файласуфлар мазҳаби тарафида туриб айтган сўзларини мувофиқлаштирмоқчи эмасмиз. Агар ўша гапларини эътиборга оладиган бўлсак, ўзи берган ҳукмга биноан уни кофир санашимиз лозим бўлади. Аммо ибн Таймийя р.а ҳақида бундай ёмон гумонга борилмайди. У кишининг шаънини ҳимоя қилишнинг энг чиройли йўли, унинг бир-бирига зид ажойиб ва ғаройиб сўзларининг сабабчиси бўлган ҳолатларни ўрганиб чиқиш орқали зоҳир бўлади. Ибн Таймийя р.а, табиатан кўплаб имом ва уламоларни танқид қилишга ўч бўлган. У ҳатто бу орқали лаззат олиб, бундан бахтиёр бўлган. Унинг юқорида ўтган сўзларига қарасангиз, унинг ушбу масалада файласуфлар тарафида турганлигини, зоҳиран қаралганда улардан куфр маломатини даф қилишга ҳаракат қилаётганлигини кўрасиз, гўё. Аслида эса, ибн Таймийя р.а улардан эмас, фақатгина уларга куфр нисбати ижмоъсини даъво қилаётган киши ибн Ҳазм р.а бўлганлиги ва ибн Таймийянинг эса уни танқид қилишга бўлган иштиёқининг кучли бўлганлиги уни тортишилаётган ҳукмларни ҳали яхшилаб ўрганмасдан туриб баҳсга киришиб кетишига сабаб бўлган. Демак ибн Таймийя р.а нинг файласуфлар тарафига ўтиб олиши ва моддаларнинг навъ жиҳатидан қадимлик даъвосини қилиш ҳақидаги қавлни енгил санашлигининг асосий сабаби шу эди. Унинг назди ва шуърида ибн Ҳазмнинг хатоларини фош қилиш ва жоҳиллигини баён қилиш учун энг кучли далил ўша нарсалар бўлган. Аммо унинг ўзи билган-билмаган ҳолда бу сўзлари билан файласуфлар тарафига ўтиб қолган.

Менимча, ибн Таймийя р.а нинг биз у ҳақида шубҳа қилишни ҳеч ҳам истамайдиган Исломиё ақийдаси мудофааси учун энг муносиб узр ва оқлов мана шудир. Акс ҳолда, ушбу масала хусусида ибн Таймийя р.а тарафидан бир-бирига зид бўлган ғаройиб қарама-қаршиликлар мавжуд. Бордию, ўша сўзлари учун у кишини оқлашнинг бошқа йўллари бўлса, бизга бу йўлларни

билганлар ўргатсинлар, биз улардан миннатдор бўламиз.

Иккинчи масала: (қуйидаги жумлалардаги “сабаб” ва “мусаббаб”лардан мурод, бир нарсанинг бўлишига иккинчи нарсанинг топилиши шарт қилиб қўйилишидир. Гўёки, атрофнинг ёришишига қуёш сабаб. Агар қуёш бўлмаса атроф ёришмайди, каби. Яъни, сабаб бўлмаса натийжа ҳам бўлмайди. қуёш бўлмаса атроф ёришиши мутлақо мумкин эмас, тушунчаси каби нарсалар.) ибн Таймийя р.а нинг “нарсаларда зотий сабаблар яширинган”ми (яъни, ташқаридан эмас, балки ўз зотида мавжудми) масаласида аҳли суннат оммасига муҳолиф чиқиб, аксинча файласуфлар тарафига ўтиб олиши. Қадимги файласуфларнинг барчаси ёки уларнинг кўпчилиги сабаблар нарсаларга ташқаридан келмайди, балки улар уларнинг ўз табиатида мавжуд эканлигига иқрор бўлганлар. Аммо Форобий, ибн Рушд каби исломий файласуфлар эса, сабаблар Аллоҳ уларга омонат қилиб бериб қўйган қувват ёрдамида бўлишлигига келишганлар. Ҳар иккала фирқада ҳам бирдек муштарак бўлган нуқта, нарсалардаги “иллат” ёки “сабаб” деб номланувчи фаолият ташқи эмас, балки уларнинг ўз ичига яширинган дейишларидадир. Ушбу тасаввур аҳли суннат вал жамоат ақийдасига зид ҳисобланади. Аҳли суннат вал жамоат ақийдасига биноан, нарсалар бир-бирига яқинлашган ёки йўлиққан чоғда биз гувоҳи бўладиган натийжа ва асарларни ҳам, бошқа барча нарсалар каби, Аллоҳ таолонинг ўзи яратади. Биз бу нарсаларни “сабаблар” ва “мусаббаблар” деб атаيمиз. Аслида “сабаб” дейилаётган нарса ҳақиқий сабаб эмас. “Сабаб” калимаси, биз сабаб ва мусаббаб деб ўйлайдиган нарсаларнинг яқинлашиши пайтларида қайта-қайта такрорланавериб одат ва доимийлик кўринишига эга бўлиб қолган нарсанинг нафсларда қолдирган ҳиссиётини ифодалаш учун ишлатилган сўздан иборат холос.

Аммо ибн Таймийя р.а. эса, ушбу ақийдани кескин рад қилади. У бу масалада, ҳақиқат исломий файласуфлар айтганлари кабидир, дея туриб олади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, исломий файласуфлар наздида, Аллоҳ таоло нарсаларга омонат қилиб бериб қўйган қувватлар тимсолида уларда яширин сабаблар мавжудки, ана ўша нарсалар натийжа ва мусаббабларнинг юзага келишида зотий омил ва муассир (таъсир қилувчи) ҳисобланади. Бу ҳақида ибн Таймийя р.а шундай дейди: “Кимки: “Аллоҳ (мева ҳосилларини сабаблар ҳукмида бўлган ёмғир ёғган) чоғда қилади (яратади), (ўша сабаблар, яъни ўша ёмғир) воситасида эмас” деса, бас у

Қуръонда келган нарсага хилоф қилган ва Аллоҳ яратган қувватлар ва табиатларни инкор этган бўлади. Ва у, банданинг қудрати мисоли, ҳайвонлар унинг ёрдамида бирон фаолият қиладиган ҳайвонлардаги Аллоҳ таоло яратган қувватларни инкор қилганга ўхшайди[19].”

Шунингдек, у ўзининг “Ал-Родду ала-Манотиқа” рисоласида: “бас, биз, оловда қайнатишни тақозо этадиган қувват; сувда совутишни тақозо қиладиган қувват; кўзда кўрсатишни тақозо қилувчи қувват ва тилда таъм сезишни тақозо қиладиган қувват бор эканлигини биламиз”, дейди.

“Мажмуъ ал-фатово” асарининг 9-жилд; 287-бетида эса, “инсонлардан баъзилари, Абу Ҳасан ал-Ашъарий қавли ва унга эргашган Молик, Шофеъий, Аҳмад асҳоблари ва бошқалар каби, қувват ва табиатларни инкор қиладилар. Қувватлар ва табиатларни инкор қилган ана ўшалар, сабабларни ҳам инкор қиладилар. Улар: “Аллоҳ (бирон-бир ҳодисани сабаблар топилган) чоғда қилади, (сабаблар) воситасида эмас”, дейдилар. Улар яна: “Аллоҳ нон воситасида тўйғизмайди; сув воситасида чанқоқни қондирмайди; ўсимликни сув билан ўсдирмайди, балки улар (яъни, нон ва сув кабилар топилган) чоғда (тўйдиради; чанқоқни қондиради ва ўсимликларни ўстиради), ўша нарсалар воситасида эмас”, дейдилар. Улар бу гаплари билан Китоб, Суннат ва салафнинг ижмоъсига(!), шу билан бирга ақлнинг очиқ далолатига ҳам муҳолиф чиққан бўладилар.” деб ёзади ибн Таймийя р.а.

Ўз сўзларига Қуръони карим оятларидан далил келтиришга ҳаракат қилган ибн Таймийя р.а сўзини давом этдириб шундай дейди: “барча инсонлар ақллари ва ҳиссиётлари билан, баъзи нарсаларнинг баъзи нарсаларга сабаб эканлигини, яхши биладилар. Улар бу нарсаларни, овқатланиш билан тўйилиши, санаш билан эмас; Аллоҳ таоло қавлидаги وَجَّعَ لَكُمْ مِنْهَا حَيْثُ يَدْعُونَ نَارًا تَلْعَقُونَ أَمْ لَمْ أَنْزَلْ عَلَيْكُمُ الْمَاءَ لَوْلَا إِتْيَانُهُ لَمَلَّاحُ الْوَيْحِ وَالنَّارِ الْوَعْدِ” (“...сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни...” ; Анбиё сураси; 30-оят) каби, сув ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти учун сабаб эканлигини билганларидек биладилар. Ҳа, ҳайвонларнинг чанқоқлари сув ичиш билан қонади, юриш билан эмас.”

Ва ҳоказо, ибн Таймийя р.а ўзининг юқоридаги сўзлари билан Арастуниинг иллат назариясини очик эътироф қилаётган бўлади. Ундан ташқари, моддага мустақил, зотий фоилият (иш-ҳаракат содир этиш) қобилиятини берувчи фалсафий маънодаги “ғариза” назариясини ҳам тан олаётган бўлади. Янада нозикроқ таъбир билан айтганда, ибн Таймийя р.а ўзининг юқорида зикри ўтган сўзлари орқали сабабга, аслида эса сабабнинг мусаббиби (яъни, сабабни келтирувчиси) бўлган нарсага “моҳият” мақомини беради. Ана шу сўзлари орқали, у исломий мазҳаб руҳиятидан ташқарига чиқиб кетади. Худди ана шу сўзлари орқали, доктор Алий Сомий Нашшор айтганидек, Арасту мантиқининг энг муҳимларидан бўлган асосий фикрларни тан олган бўлади[20].

Энг таажжубланарли жиҳат шундаки, ибн Таймийя р.а Арасту мантиқининг асоси бўлган ўша фалсафий фикр Қуръон иқроқ қилган нарсанинг айнан ўзидир, бас кимки унга муҳолиф чиқса, демак Қуръонда келган нарсага муҳолиф чиққан бўлади, маъносидаги сўзида қатъий туриб олишидир.

У назарда тутган “Қуръоний далил”дан мурод, Аллоҳ таолонинг Аъроф сураси; 57- оятдаги (“ундан сув тушириб, ўша ила турли мевалар чиқарамиз”), Намл сураси; 60- оятдаги (“Бас, Биз у (сув) билан гўзал боғлар ўстирдик.”), Исро сураси; 12-оятдаги (“...йиллар ададини ҳамда ҳисобини билсангиз.”), Ғофир сураси; 80-оятдаги (“...дилларингиздаги ҳожатларга етишингиз учундир.”) ва шу каби бошқа оятлардаги ب (сабабият “бо”си) ва ل (сабабият “лом”и) дан олган тушунчаларидир.

Бу мазкурларга жавобан биз: “ агар ибн Таймийя р.а, ушбу оятлар ва шу кабилардаги ب “бо”лар ҳақийқий сабабиятга далолат қилади, деб назарда тутаётган бўлса, билиб қўйиш лозимки, бу нарса бутун Ислом миллати иттифоқи ва Қуръоний қатъий насслар далолатига биноан куфр ва Аллоҳга ширк келтириш саналади. Ибн Таймийя р.а фикрича, Аллоҳ таоло ўсимликни ўстириш учун сувни, ёмғир ёғдириш учун булутни воситачи қилган. Бу эса, Аллоҳ азза ва жалла ожизки, бошқадан қувват олади ва У барча нарсанинг яратувчиси эмас, деган маъноларни ифодалайди.

Борди-ю ушбу ب “бо”лар аҳли суннат вал жамоат оммаси тушунадиган маънода тушунилса, у ҳолда бу ب “бо”лар ҳақийқий эмас, балки сунъий сабабликка далолат қилади. Яъни, Аллоҳ таоло булут билан ёмғирни бир-бирига шу қадар доимий яқинлаштириб қўйганки, ташқаридан қаровчига, гўёки биринчиси сабаб, иккинчиси эса мусаббаб каби, ва улар орасидаги алоқа эса ҳудди табиийдек кўрина бошлайди. Аслида иш кўринганидан бошқачароқ, яъни биринчиси билан иккинчиси орасини Илоҳий боғлиқлик боғлаб туради холос. Аҳли суннат вал жамоат иқрор қилган, Қуръон ва Суннат насслари билан муттафақ бўлган ҳақийқат мана шудир.”, деб айтамин.

ب “Бо” ҳарфи, одатда биз сўзлашувларимизда ишлатаётган ҳақийқий сабабийятга далолат қилмаслигига бўлган иттифоқ давомли экан, у ҳолда ب “бо” ҳарфини юқоридаги каби маънолар учун ҳужжат сифатида ишлатиш ботилдир. Зеро ب “бо” ҳарфининг ҳақийқий сабабийятга далолат қилишини билдирадиган бирон далил йўқдир. Юқорида зикри ўтган ب “бо” ҳарфларининг маъноси ҳақийқий сабабиятни эмас, балки мажозий сабабиятни ифодалаши эса муттафақдир.

Мазкур маънони ихтиёр қилиш боиси, айнан мана шу маъно Аллоҳ таоло сифатлари ва исмлари билан муттафақ ҳамда Қуръоний собит далолатлар билан мувофиқ келганлигидир.

Хўш, ибн Таймийя р.а, файласуфлардан иқтибос олиб, улар ортидан кетиб қабул қилган маънолари Аллоҳнинг собит ва маълум исмлари, сифатлари ҳамда очиқ далолатга эга бўлган Қуръоний нассларга мувофиқми?!

“Аллоҳ таоло нарсаларга (турли) табиатлар ва таъсирли қувватлар бериб қўйди” сўзи, Аллоҳнинг улуҳий сифатлари ва собит Қуръоний насслардан маълум бўлган жумлалар билан мувофақатга кела оладими?!

Аллоҳ таоло исмлари орасида “مُوَيَّقُولَا” (“ал-Қойюм”) исми мавжуд. Унинг маъноси “махлуқлар ишини доимий ва узлуксиз тадбирини кўриб турувчи қоим зот” деганидир. Ушбу маънонинг тафсилоти қуйидаги оятларда ҳам зикр қилинади. Фотир сураси; 41-оятда “نَا ضَرَّالْاَوَاتِاَوَامَّسَلَا كَسْمُيَّالَلَا نَا” (“Албатта, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур.”), Рум сураси; 25-оятда “وَرَمَّابُضَرَّالْاَوَامَّسَلَا مَوْقَاتَ نَا وَتَايَا نَمَو” (“Унинг оят-белгиларидан, осмонлару ер Унинг амри ила туришидир.”) дейилади. Аллоҳ таолонинг осмонлар ва ерни ушлаб туриши, бу Унинг уларни бошқариб туриши, уларнинг Илоҳий таквийний амрларни бажаришларига ҳидоят қилиб туриши, маъносида эканлигини биз яхши биламиз. Бу нарсалар эса, агар таъбир жоиз бўлса, сония-сония янгиланиб, доимий узлуксиз давом этиб туради. Биз “сония” вақт ўлчов бирлигини, бизга маълум бўлган энг қисқа вақт бирлиги ҳозирча ана шу бўлганлиги учун келтирмоқдамиз. Маълумки مَوْقَاتَ ва كَسْمُيَّ ва феъллари тинимсиз янгиланиб туришга далолат қилиб, улар биз айтаётган маънога оид насслардан ҳисобланади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг “مُوَيَّقُولَا” исмига оид мана бу Илоҳий баён билан файласуфлар сўзлаётган, ибн Таймийя р.а уни тасдиқлаган сўзлар тўғри келадими?! Уларнинг фикрича, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага (ўзига хос) табиат ва қувватлар берган. Улар ўша нарсалар билан асарларни юзага келтиради, ўша нарсалар билан натийжаларга эришади.

Агар биз ишни улар айтгандек тасаввур қилсак, у ҳолда Аллоҳ таолонинг зоти хусусидаги қайюмийят сифати йўқ бўлиб қолади. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг نَا ضَرَّالْاَوَاتِاَوَامَّسَلَا كَسْمُيَّالَلَا (“Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур.”) сўзининг маънолари ҳам йўққа чиқиб қолади. Фаразан, нарсаларга, улар ўйлаётгандек, қувватлар бериб қўйилса, энди улар ўз ишларини мустақил равишда уддалай оладиган бўлиб қолади. Энди уларга ҳеч қандай ташқи узлуксиз кўмак шарт бўлмай қолади. Ва натийжада улар, ҳудди бугунги кунда маълум бўлган программалаштирилган ақлли жиҳозларга айланиб, уларга маълум бир программани киритиб қўйишнинг ўзи кифоя қилади. Бу тарздаги мосламалар узлуксиз ташқи ёрдамларсиз ҳам, ҳатто ўша жиҳознинг ихтирочиси назоратсиз ҳам ўз вазифасининг уддасидан чиқаверади!

Ундай бўлса, Қуръон нассларининг очик далолатлари, ибн Таймийя р.а уларни Молик, Шофеъий, Аҳмад асҳоблари ва бошқалар, деб айтган аҳли суннат вал жамоат сўзини қўллаб қувватлайди. Улар Аллоҳнинг каломи ва Расулulloҳ с.а.в суннатлари тақозосидан юз ўгирувчи ёки унга муҳолиф чиқувчи кимсалар эмас, балки уларга ўта қатъий риоя қилган кишилар саналади.

Дарҳақиқат, Илоҳий Баёнда сабабийят ва иллат ҳарфлари қўлланилгани ростдир. Аммо, ушбу ҳарфларни, мавзу Аллоҳ ҳақида бўлганда, ҳақийқий маънода тушунмаслик керак эканлиги хусусидаги очик насслар Каломуллоҳда жуда кўп учрайди. Аллоҳ таоло Муъминун сураси; 22-оятда **وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفٰلِقٰو** (“Ва уларга ва кемаларга юкланурсизлар.”) дейди. Аммо, оятдаги “ҳомил-юкловчи”дан мурод кема экан ёки кемага қувват берилган эканки, ўша қувват билан у сув юзида сузиб юрар экан, деган маъно нотўғри хаёл тасаввурингизга келиб қолмаслиги учун Аллоҳ таоло зудлик билан унинг ортидан Ёсин сураси; 41-оятда **أَن لَّمْ يَأْتِكُمْ مَوْجٌ مِّنَ الْبَارِئِ** (“Улар учун Биз уларнинг нассларини тўла кемада кўтарганимиз (юклаганимиз) ҳам бир оят-белгидир”), дейди.

Аллоҳ таоло ҳудди мана шу маънони таъкидлаш маъносида, Қамар сураси; 13-14-оятларда

رَفَعْنَا كُرْسِيَّكَ أَنْ نَبْلُغَ آجْرًا مِّنْكَ وَأَنْ نُبَيِّنَ لَكَ آيَاتِنَا (13) **رُسُلًا مِّنْ دُونِ أُولَٰئِكَ لَعَلَّ هَٰؤُلَاءِ يَرْجِعُونَ**

(“ Ва у (Нух)ни тахталари ва михлари бор нарса устига кўтардик. У (кема) инкор қилинган шахс (Нух)га мукофот бўлиб, Бизнинг иноятимиз ила юрадир.”),

Ҳуд сураси; 41-оятда эса Аллоҳ таоло Нух а.с кемаси ҳақида эслатар экан, Нух а.с нинг

مَحْرُوفَ عِلِّيَّ بَرِّ نِ اِهْ اَسْرُومَ وَاِهْ اَجْمَلَلِ اِمْسَب

(“...унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми ила бўлур.”) деб марҳамат қилган. Демак, кемадагиларнинг ҳақийқий ҳомили, кўтарувчиси-юкловчиси Аллоҳдир; уни сув сатҳида юргизувчи, уни ва ундагиларни ғарқ бўлиб кетишдан сақловчи зот ҳам Аллоҳ азза ва жалладир.

Ҳеч бир араб тараддуд қилмайдиган ушбу Баёни Илоҳий қаршисида, нарсалардаги гумон қилинган ўша сабабийят ва бериб қўйилган қувватлар қаерда қолди?!

Саййидимиз Нух а.с ўғли, отаси билан бирга кемага минмасликдан узр сифатида:

اِنَّمَا اَنَا نَذِيْرٌ مِمَّنْ يَنْذِرُ الْبَلَّاءَ لِقَوْمٍ يُظَلَمُونَ

(“ У (ўғил): “Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайдир”), деди. Нух а.с эса, Роббул изза тарафидан бўлган ваҳий ва илҳом орқали унга жавобан:

مَحْرُومًا لِمَنْ لَمْ يَجْعَلْ لِنَفْسِهِ اِحْسَابًا

(“Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар кимни раҳм қилсагина (сақлар)”, деди.

Ҳақиқатдан ҳам, Нух а.с нинг ўғли масалани нотўғри баҳолади. У ўзича, денгиз суви тошмоқда, денгиз унга бериб қўйилган табиий қуввати билан борлиқни ғарқ қилмоқда, дея тасаввур қилди. Ўша бузуқ тасаввурига биноан, у ўзича бир “табиий қувват”дан бошқа “табиий қувват”га қочмоқчи бўлди, яъни, тоғ тепасидан паноҳ топмоқчи бўлди. Ўша онда унга Илоҳий

раддия келди. Унга кўра, бу тўфон сувга бериб қўйилган қувват эмас, балки Аллоҳнинг салтанати ва амри билан содир бўлмоқда эди. Сув эса, Аллоҳнинг амрини сонияма-сония ижро қилаётган аскарлардан бири эди холос.

Ваҳоказо, сиз Қуръони каримда икки нарса орасини боғлаб турувчи “сабабият ҳарфлари”ни учратасиз. Ҳақиқат шулки, улар ўша икки нарса орасидаги пайдо ва зоҳир бўлиш борасидаги тартибу танзимни ифодалашдан бошқа мақсадда келган эмас. Токи инсонлар ана шу тартиб ва интизом асосида коинот ва ҳаёт ўртасидаги муомала ва муносабатларни қурсинлар. Инсонлар елкаларига олишлари вожиб бўлган Аллоҳ белгилаган шаръий аҳкомлар ва масъулиятлар билан Аллоҳ таоло иродаси ва ҳукми ила, нарсалар орасидаги кетма-кетлик, яқинлик тартибларини ҳам мана шу интизом ва тартиб асосида мувофиқлаштирсинлар. (Қисқача қилиб айтганда, инсон Аллоҳнинг бандаларига нисбатан бўлган таклифлари ва Аллоҳнинг табиатда жорий қилган қонунлари ҳар иккаласига риоя қилишда ана шу тартиб ва интизомга эътибор берсин.) Акс ҳолда, ибн Таймийя р.а ва унинг файласуф тарафдорларининг Аллоҳ таолонинг

أَيُّهَا أَبَاطُرُ كَيْلَعِ طِقِ اسْتِةَ لِحْنِ لَلِ اِغْدِجِبِ كَيْلِ لِ اِيْزُو

(“Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади” (Марям сураси; 25 оят)) ояти сўзлаётган “сабабият” маъносини қандай тушуниш мумкин?! Ҳа, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ таоло янги хурмо меваси туширилишини, тартиб жиҳатидан, Марямнинг хурмо дарахти танасини силкитиши ортидан рўй беришини билдирмоқда. Аммо бу сўзлардан, Аллоҳ таоло Марямнинг қўлига мустақил табиий қувват бериб қўйдик, у ана шу қувват билан хурмо дарахти танасидан янги мевалар тўқдирди, деган маъно тушунамизми?!

Эҳтимол сиз, қуруқ хурмо дарахтини силкитган қўл билан ердаги оддий ўсимликдан ҳосилни узиб олган қўлнинг фарқи бор, демоқчидирсиз. Билиб қуйингки, биринчи қўлга ҳеч қандай таъсир қилувчи қувват берилмаган,

фақатгина у одатда учрамайдиган ишни қилди. Аксинча, иккинчи қўл эса, унга таъсир қилувчи қувват бериб қўйилгандек, кўриниши шубҳасиздир, зоҳиран. Биз залолатдан, балки очиқ-ойдинлик даражасига етган ушбу ширкдан Аллоҳга сиғинамиз!

Аслида, ушбу сўзлар моддий воқеълик мезонида ҳам ботил ҳисобланади. Зеро, ҳар иккала қўл ҳам, силкитиш ва узишга боғлаб қўйилган натийжа билан келмоқда. Марям хурмо дарахти танасини силкитди ва натийжада янги мева тушди. Унинг бу ҳолати, ҳудди иккинчи қўлнинг бир мевага узалиши ва натийжада уни узиб олиши кабидир. Хўш, сиз нима учун, “Аллоҳ таоло Марямнинг қўлига, хурмо дарахти танасини силкитишига сабаб бўлган, табиий қувват берди” деб айтмайсизу, аммо одамлар кўз ўнгида ҳар куни жараён этаётган иккинчи қўлга оид ҳатти-ҳаракатни эса, бошқача баҳолайсиз. Яъни, “Аллоҳ унга табиий қувват берди”, деб айтасиз. Агар иккала ҳолатга диққат билан эътибор бериб қаралса, улар орасида фақатгина битта фарқни илғаш мумкин холос. У ҳам бўлса, иккинчи ҳолат ҳар куни такрорланаверганидан одамлар бунга одатланиб қолганларини, одамларга бундай ҳолат таниш ҳисобланганлини сезиш мумкин. Аммо биринчи ҳолат эса, одамлар одатида учрамайдиган, улар наздида ғариб саналадиган ҳолат бўлганлигидир. Кимки, фақатгина зоҳирий ҳолатга қараб, одатда кўзлар ўнгида такрор-такрор учраб турадиган сабаб ва натийжа яқинлигига “бу нарсаларда уларга бериб қўйилган табиий қувват бор”, деса қатъий хато қилган бўлади. Бундай қараш очиқдан очиқ гумон ва хом-ҳаёл бўлиб, ҳеч қандай илмий асосга эга эмас.

Ҳақиқат асли шундай бўлса ҳам, ибн Таймийя р.а ушбу масала борасида, файласуфлар мазҳабига биноан бу сўзлар илмий далил дея ишонганлари сабабли, уларга алданиб қолдилар, дея фараз қилайлик. Ибн Таймийя р.а бу масалада уларнинг сўзларига ишониб, Қуръон насслари ва далолатларига эътибор бермадилар ва натийжада файласуфлар тушунчаларини ўзларига асос қилиб олдилар.

Менимча, мазкур баҳсталаб масала ҳақида ойдинлик киритиш учун илм тасдиқлаган қуйидаги мухтасар сўзларга қулоқ солишда хайр бор.

Баъзилар, “оловга, ёниши мумкин бўлган нарсаларга яқинлашган чоғда, уларни ёндирадиган табиий қувват бериб қўйилган”, дейдилар. Уларнинг фикрича, ана шу ёндирувчи зотий қувват оловда яширинган. Бу фикр эса, оловнинг ўзи мустақил ёндирувчи хусусият ва моҳиятга эга, деган маънони ифодалайди. Бу ўринда ҳақли савол пайдо бўлади. Бу сўз эгалари “олов жавҳаридаги яширинган мустақил хусусиятлар”ни қандай қилиб кашф қилдилар? Оловга бундай қувват нисбатини нимага асосланиб бермоқдалар?

Мазкур тасаввур эгалари ушбу саволга жавоб беришда одатда кўрган ҳолатларини далил қилиб келтирадилар холос. Улар оловга, ёнувчи ҳар қандай нарса яқинлашганда, ёниши каби одатий ҳодисани ҳар доим шоҳиди бўлиб турадилар. Бу ҳодиса уларнинг кўз ўнгида содир бўлаётган зоҳирий, такрорий ва умумий яқинлашиш ҳодисасидир. Мана бу умумий такрорий яқинлик давомийлиги, улар наздида, ушбу ҳолат ортида доимий узвий боғлиқлик бор, деган қаноатни келтириб чиқазади. Натийжада улар, “мана шу узвий боғлиқлик, оловдаги унга берилган ёндириш қуввати сабабидандир”, деган хулосага келадилар. Улар олов ва ёндириш ҳақидаги фикрларини бошқа нарсалар ҳақида ҳам айнан такрорлайверадилар.

Файласуф ва уларнинг тобеълари ўз ақллари ва фикрларида мустаҳкам ўрнашиб қолган тасаввурлари далили сифатида келтирадиган нарсалар мана шундангина иборатдир.

Модомики ушбу даъволар ботил экан, у ҳолда уларнинг, зоҳири ҳатто баъзи ақллари ҳам ўзига жалб қилиб оладиган ушбу каломларининг хато ва янглиш жиҳати қаерга яширинган?

Уларнинг мазкур тасаввурларидаги хато “олов ва ёниш орасидаги давомий яқинлик, уларнинг ҳар бирини иккинчисига узвий ва қатъий боғлиқлигига далолат қилади”, тушунчаларидадир. Бу дегани, олов билан ёнувчи нарса яқинлашдимиз, бас, олов уни ёндириши аниқдир, деганидир. Ҳа, хато айнан

мана шу тушунчададир!

Иккита иш орасидаги яқинлик давомийлигининг фақат ўзигина, ана шу иккала нарса орасидаги узлуксиз боғлиқликнинг илмий далили бўлмайди. Ушбу яқинлик, ҳатто юз йил давом этса ҳам. Шунинг учун ҳам, бу боғлиқликни юзага келтирувчи қандайдир махфий, табиий кучнинг бор эканлигини далил сифатида келтириш нотўғри далил келтиришдир. Зеро бу масалада доимий яқинликни далил санаш даъво қилинаётган матлабдан анча умумий нарсадир.

Файласуфларнинг ушбу каломлари анча-мунча саёз қараш эгаларини ўзига жалб қилишини, мен яхши биламан.

Гоҳида улардан баъзилари: “ахир, олов ва ёниш орасидаги ана шу узвий боғлиқликка оловга бериб қўйилган табиий қувватдан ҳам кучлироқ ва ёрқинроқ далил борми? Олов ва ёнувчи нарса яқинлашган заҳоти, ҳеч қандай истисносиз ёниш ҳодисаси рўй бермоқда-ку. Биз ҳар қандай ёнувчи нарсани оташ ёндираётганини, қайнаш таъсири ортидан сувнинг буғга айланаётганини, ернинг тортишиш кучи таъсири остида жисмларнинг юқоридан пастга тушишини ва шу каби нарсаларни ҳар доим кўриб турибмиз. Ва ушбу ҳодисалардан бизга маълум бўлмоқдаки, ана шу икки бир-бирига узвий боғлиқ нарсалар орасидаги алоқалар давомли ва собит алоқалардир. Бас шундай экан, нима учун ўз ортидан натийжасини эргаштириб келадиган ушбу собит, доимий алоқа нарсаларга ўша натийжани муҳаққақ келтириб чиқарадиган сабаб тимсолидаги табиий қувватнинг бор эканлигига далил бўлмайди?!”, дейдилар.

Авваломбор шуни эслатиш ўтиш лозимки, ушбу саволнинг жавоби “илм маълумга тобеъдир” дейилувчи илмий қоида ортига яширингандир. Бу қоидага биноан, тадқиқотчи ёки изланувчининг миясига ўрнашган тасаввур, ўша ўрганилаётган нарса воқеълигидаги ҳолатининг рўйи-рост ишончли суврати бўлмоғи керак. Ана шундагина бу тасаввур “ҳаққоний илм” номини олиши мумкин. Инсон ақли қабул қилган ҳар қандай қарор реал воқеъликнинг ишораси орқали, нафақат ишораси, балки унинг очиқ

баёноти орқали бўлиши лозим. Одатда, аввало, “маълум” келиши шарт. Ана унинг ортидан “илм” келмоғи керак. “Маълум”дан мурод, борлиқда лафзнинг маъносига уйғун бўлган мушоҳада қилиб турилган воқеъликдир. “Илм” эса, ақлларда “тушунча” деб номланувчи, тасаввур ёки тасдиқдир. Бордию, мазкур қоида тескари тарафдан қабул қилинсачи?! Яъни, “маълум” нарса “илм” га тобеъ бўлиб қолсачи. Билингки, у ҳолда илм ва жаҳолат орасини ажратиб берадиган ҳеч қандай чегара ва тўсиқ қолмайди. У ҳолда тадқиқотчи ўз хаёлида ўзи хоҳлаган нарсасини тасаввур қилаверади, воқеълик эса унинг истакларига тобеъ бўлиши ва унинг тасаввурлари ҳамда сўзларини тасдиқлашга мажбур ҳолатга тушиб қолади! Бундай бўлиши эса мумкин эмас. (“Инсон” деган лафз ҳақидаги сизнинг тасаввурингизга қараб инсон ўзгарадими ёки воқеъликдаги инсонга қараб сизнинг ақлингиздаги “инсон” ҳақидаги тушунча ва тасаввурингиз ўзгарадими?! Воқеъликдаги инсон “маълум”дир, сизнинг тасаввур ва тушунчангиздаги инсон эса “илм”дир. Тасаввурингиздаги инсон воқеъликдаги инсонга тобеъ бўлмоғи керак.)

Бас, мазкур қоидани қисқача бўлса ҳам билиб олдик. Ана энди мавзумизни ўша қоидага солиб кўрайлик. Моддалар ҳамда табиатдаги аввалги ва кейинги нарсалар орасидаги яқинлик алоқалари бизнинг юқоридаги қоидамиздаги “маълум” нарса ҳукмидадир. Ҳақийқатан ҳам биз, ушбу воқеъликдаги яқинлик алоқаларининг бевосита гувоҳ бўлиб турамыз. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати борки, унга кўра, бизнинг тушунча ва тасаввурларимиз “ҳақийқий маънодаги илм” ҳудуди ичида бўлиши учун, биз ўз тушунчаларимизни воқеъликдан омонат тарзида олинган мулоҳазалар чегараси ичида тутишимиз ва ундан ташқарига чиқмаслигимиз лозим. Мазкур мавзумиздаги реал воқеълик эса, иккита муайян нарса орасидаги собит яқинлик ёки кетма-кетликдангина иборатдир. Дарҳақиқат, воқеъликда бундан зиёд ҳеч қандай ҳолат йўқ. Аслида, “ҳақийқий илм” деб номланадиган илм мана шудир.

Биз, “маълум” ҳукмида бўлган воқеъликни кузатишни ҳар қанча давом этдирсак ҳам, табиатдаги бу яқинлик ҳар қанча давом этса ҳам, илмимизда таъкиддан ўзга бирон нарса зиёда бўлмайди. Яъни, воқеълик таъкиддан ўзга бирон маъно касб қилмайди. Таъкиднинг танҳо ўзи эса, ҳеч қандай янги маъно ҳам пайдо қилмайди.”, деб айтамыз.

Баъзан айрим файласуфлар сизга: “биз ўзимизда, нарсалар орасидаги яқинлик ва кетма-кетлик давомийлиги ҳодисасидан, биринчи нарсада, иккинчи нарсанинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи, яширин табиий қувват мавжуд, деган тушунча пайдо қиламиз. Ваҳоланки, биз ушбу тасаввур ва тушунчамиз билан “илм маълумга тобеъдир” дейилувчи қоидадан ташқарига чиқганимиз йўқ. Зеро, ушбу тушунча, мушоҳада оламидаги реал воқеъликдан олинган ақлий тушунчадир. Ахир, сиз реал воқеъликда сабаб ва мусаббаб (натийжа) орасидаги доимий яқинлик ва кетма-кетликни мушоҳада қилмаяпсизми?!”, деб айтишлари мумкин.

Уларнинг эътирозига нисбатан бизнинг жавобимиз шундай бўлади. “Тўғри, ақлнинг соғлом илмий манҳаж асосида мушоҳада оламидаги воқеъликлардаги яширин натийжаларни қидириб топишилиги бор ҳақийқатдир. Зотан, ақлнинг ушбу фаолияти унинг соғлом фаолиятлари орасида энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Ақл ўзининг ушбу фаолияти асносида “илм маълумга тобеъдир” қоидасига бўйсунганлиги ҳам аниқ. Аммо, улар айтаётган ақлий тушунчалар натийжанинг соғломлигини ва унинг “илм” доирасига мансуб бўла олишини кафолатлайдиган даражада соғлом илмий манҳажга асосланганми?! Муаммонинг асл илдизи, айнан мана шу саволга бериладиган жавобга кўра бўлади.

Аммо, ҳақийқат шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ақлларида пайдо бўлган тушунчалар гумондан ўзга нарсага асосланган эмас. Бундай дейишимизнинг боиси, мушоҳада қилинаётган табиат, сизга, воқеъликдаги икки нарса орасидаги яқинликдан ўзга нарсани тақдим қилолмайди. Икки нарса орасидаги яқинлик ҳар қанча бардавом бўлса ҳам, ушбу яқинлик ўзидан бошқа бирон тушунча ёки тасаввур беришга яроқли эмас. Ҳа, улар айтаётганларидек, ушбу яқинлик ҳодисасини оқилона яхшилаб, синчиклаб ўрганиб чиқилса, бизнинг олдимизга кўплаб эҳтимолларни тахлаб қўяди. Улар айтаётган “сабаб” деб номланаётган табиий қувватнинг мавжудлиги ҳақидаги фараз эса, ана шу эҳтимоллардан биридир холос. Бир қанча фаразлар орасидан айнан мана шу фаразни, ҳеч қандай далилларсиз бошқа фаразлардан устун санаш асоссиздир ва ботилдир. Эҳтимолларга нисбатан бу тарзда ноҳолис ёндашув “илм маълумга тобеъдир” қоидасига муҳолифдир.

Уларнинг наздида “оловда яширин, ёндирувчи зотий қувват мавжуд”. Улар ўз иддаоларини асослаш учун “олов билан ёниш орасидаги доимий, узлуксиз алоқанинг бардавомлигини” зикр қиладилар. Аслида, уларнинг бу иддаолари илмий асосланган бўлиши учун, уларда, энг камида, икки далилдан бири топилмоғи керак.

Биринчи далил: ақл оловдаги ўша яширинган ёндириш қуввати ва унинг моҳиятини аниқлаб етиши ҳамда уни кашф қилиши лозим. Ваҳоланки, бугунгача бирон олим ёки тадқиқотчи бунинг уддасидан чиққанлари йўқ.

Иккинчи далил: оловни яратган Холиқ а.ж, ўзининг оловга ёндирувчи зотий қувват берганлиги хабарини бериши лозим. Бу ҳақида Холиқимиз а.ж бизга ҳеч қандай хабар берган эмас. Аксинча, Холиқ а.ж такрор-такрор бу фаразнинг том тескарисини баён қилади. (Биз бу ҳақида, юқорида, айтиб ўтдик.)

Аллоҳ таолонинг барча нарсалар устидан доимий бўлган қўюмийяти, уларнинг ана шу асоссиз гумонларига қарши қатъий раддиядир. Жумладан, бир қанча Набавий Ҳадисларда собит бўлган “*الاولو لروح الابل*” (“Аллоҳнинг ёрдамисиз, на бир муҳофаза ва на бир қувват бор”) калимасининг ўзиёқ улар қилаётган ўша гумонга қарши кескин эътироздир.

Модомики бу иккала далилни ҳам келтириш имконсиз экан, қаршимизда “доимий яқинлик” дан бошқа биронта ҳам далиллик даъвоси қилувчи нарса қолмайди. “Доимий яқинлик” эса, бошқа нарсанинг юзага келишига сабаб бўла олиш ёки унга таъсир ўтказиш каби, нарсалардаги табиий зотий қувватга илмий далил бўлолмайди. Балки “доимий яқинлик” ушбу даъводан кўра умумийроқ бўлган нарсадир.

Илмий асосланмаган мазкур гумонларнинг барчасининг манбаи инсон ичидан ўтган ҳомхаёллар ва далилсиз ҳиссиётлардир. Инсон нарсалар орасидаги узлуксиз доимий яқинликни кўргач, унинг ақлига “бу нарсаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларни ажратиш амри маҳол”, деган ҳомхаёл келади. Бунинг ортидан, “модомики уларни бир-биридан ажратиш имконсиз экан, демакки, шубҳасиз улардан бирида ўзгаларга таъсир ўтказувчи, яширинган қандайдир қувват бор”, деган гумон ҳам унга эргашиб келади. Бир тарафдан ўйлаб қарасангиз, уларнинг бу гумонларида асос бордек. Кўзлар ва фикрлар нарсалар орасидаги доимий яқинликни мушоҳада қилмоқда, бу мушоҳада эса ҳали ҳануз гумонда бўлиб турган хаёл эгасини “шартли рефлекс” қоидасига бўйсундиради. “Шартли рефлекс” қоидаси эса, қадимги ва ҳозирги олимлар орасида баҳс қилиниб келаётган мавзудир. (“Шартли рефлекс” қоидасини рус олими Павлов ўз тажрибалари орқали исботлашга ҳаракат қилган.)

Энди мен сиздан сўрамоқчиман: “сизлар айтаётган “доимий яқинлик” билан Павлов тажрибасидаги итнинг сўлак безлари ишга тушишига сабабдек кўринган қўнғироқ чалиниши ва овқатнинг келтирилиши орасида қандай фарқ мавжуд. Итга овқати келтирилиши олдидан қўнғироқ чалинган пайтда итнинг сўлак безлари ишга тушиши, ўша қўнғироқда қандайдир яширинган қувват борлигига далолат қила оладими?! Ёки бу “шартли рефлекс”ми? Хўш, инсон кўз олдида ҳар доим, олов билан ёнувчи нарса яқинлашган пайт, ўша ёнувчи нарсанинг ёнишлиги, оловда (уларнинг тасаввуридаги) қандайдир яширинган қувват бор эканлигига далолат қила оладими?

Павлов тажрибасидаги, овқат келтирилиши олдидан чалинган қўнғироқнинг жиринглашида табиий қувват бор, дейиш қанчалик асоссиз бўлса, ёнувчи нарса ёниши олдидан келтирилган оловда табиий, яширин қувват бор, дейиш ҳам шу қадар асоссиздир.

Агар итларнинг инсонлар каби сўзлай олиш қобилияти бўлганида эди, улар: “нарсаларда табиий, зотий қувват бор” дегувчи файласуфлар билан, улар ўзлари келтирган ҳужжатлар асосида, баҳсу мунозара қилган бўлар эдилар.

Ҳа, ушбу масала хусусида илмнинг мантиқи мана шудир. Биз юқорида, Аллоҳнинг рубубийят, улухийят сифатлари тақозоси ва қуръоний насслар қатъий далолати ҳақида эслаб ўтдик. Улардан олинган умумий хулосага кўра, “барча нарсанинг бажарувчиси Аллоҳ” дир. Коинотдаги мушоҳада қилинаётган барча қувват, барча ҳолатлар Аллоҳ азза ва жалланинг қуввати, идораси, риояси ва тақдири билан юзага келади. Аллоҳнинг қуввати ва риояси таъсири коинотда бирон лаҳза ҳам танаффусга чиқмайди. Аҳли Суннат вал Жамоат сўзининг маъноси мана шудир. Натийжалар ва мусаббаблар, биз “сабаблар” ёки “табиий иллатлар”, деб номлайдиган нарсаларга йўлиққан ёки яқинлашган чоғда юзага келади. Уларнинг таъсири ёки мустақил фаолияти билан эмас. Аҳли Суннат вал Жамоат уламолари бу ибораларини қисқача қилиб: “(натийжалар) уларнинг (яъни, “сабаб” ва “натийжа” дейиладиган нарсаларнинг учрашган) чоғида (Аллоҳнинг қуввати ва қудрати билан юзага келади), уларнинг (яъни, сабабларнинг) ёрдамида эмас”, деганлар.

Айтиб ўтганимиздек, иккинчи масала хусусида Ибн Таймийя р.а нинг сўзларида беқарорлик мавжуд. Маълумки, ибн Таймийя р.а “нарсаларда уларга бериб қўйилган табиий қувват бор”, сўзларида файласуфлар тарафга оғиб кетган ва у бу ҳақида бир неча ўринларда, бир қанча муносабатлар билан ўз сўзларини таъкидлаб ўтган. Аммо бир қанча ўринларда эса, ибн Таймийя р.а ўзининг юқоридаги сўзларидан қайтади. Ибн Таймийя р.а, шоир Лабийд ибн Робийъанинг *لطالب هل لا الخام ءيش لك ال* (“огоҳ бўлингким, Аллоҳдан ўзга (барча) нарса ботилдир”) сўзи маъносига тааллуқли саволга жавобан битилган рисолаларида қуйидагиларни битганлар. Унда шундай дейилади: “ Иккинчиси: дарҳақиқат, Аллоҳдан ўзга барча нарса зотий жиҳатдан йўқликдир. Уларнинг зотий жиҳатдан на вужуди, на ҳаракати, на амали ва на ўзгаларга етказа оладиган манфаати бордир. Демак бу ҳолатларнинг барчаси Аллоҳнинг яратиши; ўз бобида мислсиз халқ этиши ва тасвиридир. Аллоҳ ўз ҳолига ташлаб қўйган барча нарса беҳудадир. Уларнинг йўқликка юз тутиши ва зоеъ бўлишларига, Аллоҳнинг уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиши, уларни яратиш ва ризқлантириш масалаларида қоим бўлмаслигининг ўзи кифоя қилади. Модомики улар ўзлари хусусида асоссиз, беҳуда эканлар, демак (шоир)нинг (“огоҳ бўлингким, Аллоҳдан ўзга (барча) нарса ботилдир”) сўзи тўғридир. Ҳақиқат шулки, (барча нарса) фақатгина Аллоҳникидир;

Аллоҳнинг ёрдами биландир; Аллоҳдандир.[21]”

Ибн Таймийя р.а бу сўзлардан сўнг, мазкур маъно баёнини анча чўзиб юборади. Ўша баёнда шундай сўзлар зикр қилинадика, агар бу сўзлар ибн Арабий каби олимлардан нақл қилинганида борми?! У ҳолда кўплаб одамлар бу сўзларни танқид қилар ва “бу сўзлар куфр ва “ваҳдатул вужуд” гумонларини такрорлашдан ўзга калима эмас”, деган бўлардилар.

Ҳудди шу мавзу хусусида, Ибн Таймийя р.а, яна бошқа ўринда:

“Лабийднинг “لَطَابِ هَلَلِ الْخَامِءِ ش ل ك ال ا” сўзи шоир айтган энг тўғри сўздир. Яъни, барча нарсанинг зотиға қарасанг, унинг йўқликка мансуб бўлиб, (уни доимо) Ҳаййу Қойюмға фақир (ва муҳтож) ҳолатда топасан. У(лар)ға (диққат назар билан) қарасанг, барча нарсаға (ўзига муносиб) хилқат ато қилган, сўнгра (ўша нарсани ўзига мос йўлга) йўллаб қўйган Зот (бўлмиш Аллоҳ)нинг ўзи тарафидан бўлган ўлчов ила (Ўзининг) иноят қўли билан бошқараётган ҳолда, фазлу эҳсон либослари ила кийинтирилган борлигини кўрасан.”, дейди[22].

Тавҳид маъноларига лиммо-лим ушбу ажойиб калом билан бошқа ўринларда турли муносабатлар билан қайта-қайта такрорлаган “дарҳақиқат, оловда қайнатишни тақозо қиладиган қувват, сувда совутишни тақозо қиладиган қувват мавжуд. Аллоҳ (қайнаш ва совуш каби нарсаларни олов билан ёнувчи нарса, сув билан совуйдиган нарса йўлиққан) чоғда қилади, улар воситаси билан эмас, дейдиганлар хато кетувчилар ва ақл ва Қуръонга муҳолифлардир.” сўзларини таққослаб кўринг. Бу сўзлар орасида нақадар ажойиб зиддият кўрасиз!

Ибн Таймийя р.а айтиб ўтган биринчи сўзга биноан, оловга ҳақиқатан ҳам ёндириш ва қайнатиш қуввати бериб қўйилган бўлиб- у энди Аллоҳнинг ёрадамисиз ҳам- ўша бериб қўйилган қувват ёрдамида ўз вазифасини қилаверади. Чунки у ўша бериб қўйилган қувват ёрдамида, ўша пайтда Аллоҳдан беҳожат саналади.

Яна айнан ўша зот тарафидан, бошқа ўринда, зикр қилинган қавлга кўра эса, Аллоҳ ўз ҳолига ташлаб қўйган барча нарса беҳудадир. Аслида, аҳли Суннат вал Жамоатнинг ақийдасига биноан ҳам, ҳақиқат шундайдир. Ушбу сўзга биноан, Аллоҳнинг ёрдами ва иноятисиз барча нарсалар бўм-бўш ва таъсирсиздир. Зоҳиран, нарсаларнинг қуввати ва таъсир кучи бўлиб кўринаётган ҳолатлар Аллоҳнинг инояти ва мадади биландир. Шунингдек, мазкур Илоҳий иноят нарсаларни бирон лаҳза ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Ибн Таймийя р.а нинг ўзи бу ҳақида: “(Нарсалар)да кўзга кўринаётган фаоллик, ҳудди қоп-қора деворга қуёш тарафидан тушаётган ёғдуга ўхшайди. Бордию, қуёш ундан бир лаҳза тўсиб қўйилса, у яна қоп-қоронғу зулматли ҳолатига қайтади. Хўш, бирон киши: “деворга ёруғлик мавжлари бериб қўйилган бўлиб, қуёш ундан тўсиб қўйилган чоқда ҳам, у ташқарисига балқиб чиқаверади” дея айта оладими?!”.

Аввалги калом ҳам ибн Таймийя р.а нинг сўзи эди. У таълиф қилган китоб ва рисоаларининг кўплаб ўринларида мана шу тушунчани келтирган.

Иккинчи калом ҳам ибн Таймийя р.а нинг сўзи саналади. Бу сўзларни, яна ўзи, бир қанча ўринларда бот-бот такрорлаган.

Айтингчи, бу бир-бирига зид бўлган икки тушунчани қандай изоҳлаш мумкин?

Шахсан мен бу зиддиятли сўзларга ҳеч қандай изоҳ ва сабаб тополмайман. Аммо шуни биламанки, бизнинг ким бўлишимиздан қатъий назар, сўзларимиз қабул қилиниши ёки рад қилиниши мумкин. Рад қилиниши мумкин бўлмаган, аксинча сўзсиз қабул қилинмоғи шарт бўлган ягона зот, бу Маъсум с.а.в дирлар. Умид қиламизки, ибн Таймийя р.а нинг сўнгги, қарорлаштирилган сўзлари шоир Лабийд мисралари шарҳида айтган сўзларидир. Умид этамизки, у зот файласуфлар тушган хатолардан қайтганлар ва -инша Аллоҳ- мағфур ва мажурдирлар.

Ушбу баҳсим сўнгида шуни эслатиб ўтмоқчиман. Мен бу баҳс орқали ибн Таймийя р.а нинг хатоларини излаб топишни қасд қилмадим. Ушбу ғаразли мақсадда китобдан фасл ажратмадим. Менинг юқоридаги мазкурларни эслатиб ўтишдан кўзлаган бошқа бир мақсадим бор. Бугунги кунда ўзларини “Салафийлар” деб атайдиганлар раҳбар санайдиган ибн Таймийя р.а айтиб ўтилган икки масалада, (шу каби айрим бошқа масалаларда ҳам) салафларга эргашмади. Салафларнинг ақийдаларига зид бўлганлиги учун дея, ўз қарашларидан қайтмади. Умумий ҳолат барчамизга маълум, “хайрли, саодатли уч аср”га мансуб салафларимиздан бирортаси: “олам навъ жиҳатидан қадим, аммо айний жиҳатдан эса ҳодисдир, (янги пайдо бўлгандир)” деб айтмаганлар. Шунингдек, улар тарафидан: “нарсаларга, натийжаларга таъсир ўтказадиган, қувват бериб қўйилган” деган сўз ҳам айтилмаган.

Ибн Таймийя р.а ўзининг аввалги иккала қарашларидан салафларнинг сўзларига мувофиқ бўлмаганлиги учун эмас, балки, ўз наздларида, биз бу китобнинг биринчи бобида айтиб ўтган манҳажга тўғри келмаганлиги учун қайтганлар. Ибн Таймийя р.а масалалар ечимида тўғрими ёки хато кетдими, бу алоҳида масала. Аммо бу ўринда муҳим бўлган нарса, унинг ўша манҳажга риоя қилишлигидир.

Демак, салафларнинг- уларнинг ўзларининг салаф бўлишларига қарамасдан- далил келтириш ва мубохаса борасида Аллоҳнинг китоби, Расулуллоҳ с.а.в суннатлари ҳамда уммат ижмосидан бошқа манбаълари йўқ эди. Китоб ва Суннатни тўғри англаш ва уларга итоат қилиш масаласида эса, нассларни тафсир қилишда қатъийлаштирилган араб тили қоидаларига эргашидан ўзга услублари йўқ эди. Ўз навбатида Қиёс ана шу қоидалар жумласига киради.

Муқаррар араб тили қоидалари асосида Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ с.а.в суннатларига амал қилмоқлик салафу халаф барча мусулмон табақа ва жамоалар учун шарт бўлган миқёс ва ҳужжатдир. Мусулмонлар ёки қайсидир табаканинг воқеълиги Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ с.а.в суннатларига қарши ҳужжат бўлолмайди.

[1] “фатҳул борий” китоби 7жилд, 82бетига, Байҳақийнинг “ал-Асмо ва ал-Сифот” китоби 470 бетга қаранг

[2] Ибн Таймийя р.а ўзларининг “Мажмуату фатово” китоби; 2-жузь; 456-саҳифасида

[3] (“Фатҳул Борий”; 13 жузь; 315 саҳифага қаранг)

[4] (“Маолимул Сунан ала Сунани Абий Довуд”)

[5] (борди-ю бу икки мазҳаб орасидаги фарқларни янада батафсил ўрганмоқчи бўлсангиз, Шотибийнинг “ал-Эътисом” асарига мурожаат қилинг)

[6] (Имом Бухорий р.а нинг саҳиҳларидаги “Жумъа кунидаги азон боби”га қаранг)

[7] Завовийнинг “Маноқибул имом Молик” асарига қаранг

[8] Устоз Яхъё Ҳошим Фарағлнинг “Авомил нашъати илмил калом фил Ислам” асарига қаранг

[9] Ушбу ривоятларни Табарий ва ибн Асийрлар лафзлардаги айрим фарқлар билан ривоят қилганлар. Ибн Касийр р.а эса, мазкур хабарни бир неча йўллар орқали келтириб, уни “саҳиҳ” санаганлар. “ал-Бидоя вал-Ниҳоя”га қаранг

[10] Ушбу ривоятни Байҳақий, ибн Абу Шайба ва Бухорий р.а лар ўз китобларида келтириб ўтганлар.

[11] Имом Шофеъий р.а нинг “ал-Умм” асарига қаранг.

[12] (Бизнинг қуйидагиларни зикр қилишдан мақсадимиз ибн Таймийя р.а ни, у кишининг баъзи душманлари каби, фосиққа ёки бидъатчига чиқариш эмас. Балки бундан кўзланган мақсад, у киши тарафларидан йўл қўйилган айрим хатолардан ўзгаларни огоҳлантириш ва сўнгра у кишини маъзур кўришлиқдир. Чунки ибн Таймийя р.а ўзлари йўл қўйган хатоларни бошқа нассларга дуч келган ўринларида ўзлари яна зиддини айтиб тўғрилаб

кетганлар. Зеро, Исломиё танқид манҳажи, ундан яхшиликдан ўзга нарса маъруф бўлмаган тадқиқотчи ҳақида доимо чиройли гумон қилиш қилиш, у ботил узра доимий қолиб кетмасдан шунчаки ўтиб кетган ва ҳақиқат узра мустаҳкам ўрнашган, дейишни афзал санашни тақозо қилади. Ибн Таймийя р.а билан бир лаҳза учрашиб ўтиб кетишдан кўзлаган асосий мақсадимиз ҳам мана шудир. Аслида, улар ҳақида яхши дея гувоҳлик берилган мусулмон уламолардан бўлган ҳар қандай тадқиқотчи ва ёзувчи билан шундай муомала қилмоғимиз шарт. Имкон борича улар ҳақида чиройли гумон қилмоғимиз, бордию улар тарафидан икки ҳил бири бирига зид маълумотларга дуч келсак, у ботилдан шунчаки ўтиб кетган, ҳақиқатга эса ўрнашиб олган, деб билишимиз керак)

[13] (“мажмуъул фатово; 9 жилд; 184 бет)

[14] (Ибн Ҳазмнинг “Маротибул ижмоъ” асари ҳошиясига битилган “Нақд маротибул ижмоъ”нинг 167 бети).

[15] (Раъд сураси, 16 оят; Зумар сураси, 62 оят)

[16] “Фатҳул Борий” асари. 13-жилд; 318-319 бетлар

[17] “Мажмуъ ал-фатово”. 9-жилд; 280-281 бетлар.

[18] “Мажмуъ ал-фатово”. 2-жилд; 188 бет

[19] Мажмуъ ал фатово. 3-жилд; 112-бет

[20] доктор Алий Сомий Нашшорнинг “Ислом мутафаккирлари наздидаги изланиш манҳажлари” китоби; 218-бетига қаранг.

[21] (Мажмуъул фатово; 2/425)

[22] (Мажмуъул фатово; 1/312)